



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 1-mart, chorshanba

№ 9 (1020)

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz

“КҮК КИТ”НИНГ ҲАМЛАСИ

Китобсиз кишини ўзимча шундай тасаввур этаман: уни турли ёлгон-яшиқ ваъдалар билан алдаса бўлади. Оқни қора деса, эътироз билдиришга ҳайкади. Охири йўқ кўчага олиб кириб, бу йўлнинг сўнгига сени омад кутади деса, бирикчилар қаторида чопқиллайди.

⇒ 3-бет

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА МАТБУОТ

Матбуот жамиятнинг муҳим демократик институтларидан бири экан, эркин ва холис минбар сифатида ўзини фаол жамоатчи назоратчи сифатида ҳам намоён этиши, бундай назоратнинг виждон ишига айланишида ташаббускор бўлиши керак.

⇒ 4-бет

ЗУЛФИЯХОНИМ — МОҲИР ПУБЛИЦИСТ

“Тонг куйчиси” дея таърифланган атоқли шоира Зулфия фасоҳатли нотик ва маҳоратли публицист ҳамдир. У Ўзбекистон хотин-қизлари журнали “Саодат”да ўттиз икки йил мобайнида бош муҳаррир бўлган.

⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида» ги фармонга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, кенг қўлмалли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 февраль куни Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Асқар Маминни қабул қилди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида «Ўзбекистонда таълим, фан ва маданиятнинг модернизациясини таъминлашда Ислом Каримовнинг роли» мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



“HURRIYAT” газетаси “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиацияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг қўлига келди.

ДИЛ ИЗҲОРИ

БИР УМР ЁДИМИЗДА ҚОЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида бизнинг уйимизда меҳмон бўлгани оила аъзоларимиз учун бир умр унутилмас воқеага айланди.

Ўлим Бехрузбек Президентимизга атаб шеър ёзди... Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар барча юртдошларимиз қатори бизнинг ҳам ҳаётимизда ўз акс садолини берди. Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Қарши туманидаги “Нуқробод” қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккаёғоч массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилатган арзон уй-жойлардан бири бизга ҳам nasib этди.

Ўз шахсий уй-жойига эга бўлиш катта бахт эканини ўн йилга яқин ижарада яшаб

юрған инсон сифатида яхши англайман. Уй тинчмикан, болалар уйнаб бировнинг мулкига зиён-заҳмат етказиб қўймадимикан, уй эгаси қайсидир сабабни рўқач қилиб, дабдурустдан кўчишимиз кераклигини айтиб қолмасмикан, деган ҳадик ва ҳавотир мени бир зум бўлсин тарк этмасди.

Халқимиз ўз уйинг — ўлан тўшагинг, деганича бор экан. Бутун кўнглим тўқ. Ўз бошпанамизда ўзимиз истагандек, эркин яшаймиз, ўғил-қизларимиз яйраб-яшнаб камолга етмоқда. Ризқимга ҳам барака инган. Бор эътиборинг ўз вазифангизни сидқидилдан бажаришга, янгиланган яратилган қаратилса, ишинг ҳам янада ривожланиб, руҳинг ҳам кўтарилиб бораверади-да.

Ҳар тонг деразаларни кенг очаман-да, атрофга разм

соламан. Четлари гулзор замонавий асфальт йўллар, ёрқин рангли намунавий уйлар, янгидан барпо этилган таълим масканлари, ижтимоий-маданий объектлар маҳалла-маҳалла кўрқиб кўриб турганидан хурсанд бўламан. Хоналарга кириб, бирма-бир кўз ташлайман. Замонавий таъмирланган ётоқхона, мебеллар билан жиҳозланган шинам меҳмонхона, ўйин-чоқларга тўла болаларим хонаси, файзли ошхона... Бундай қўлайликларга эга уй, айниқса, турмуш ўртоғимнинг эзгу орузи эди. Энди бундай шароитлар унинг рўзгор юмушларини енгиллатиб, фарзандларимиз тарбия-сига кўпроқ вақт ажратишига имкон беради.

Ҳаётимиздаги барча ўзгаришлар, содатли дамлар учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз. Ана шундай бағрикенг инсон халқимизга бош эканига, ҳар бир инсон олий қадрият сифатида эъзозланганидан, тинч, озода ва обод юрда яшаётганимизга ҳар қанча шукрона айтсак шунча кам.

Алишер АҲМЕДОВ, Қашқадарё вилояти кўғирчоқ театри овоз режиссёри. ЎЗА



HURRIYAT STRATEGIYASI 2017-2021

Ҳар бир тадбиркор катта бозорда ўз омадини синаб кўришни истади. Шу маънода барқарор ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай давлат ишбилармонлар учун халқаро бозорга «кафолатли коридор» яратишни бирламчи вазифа билади. Зеро, товар ва хизматлар экспорти — ишлаб чиқаришни янада кучайтириш, янги иш ўринлари яратиш, валюта захираларини бойитиш, жаҳон бозоридаги ўрин ва мавқеани мустақамлашнинг асосий омили.



ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА, ДАВЛАТ ҲАМ БОЙ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштириш борасида энг долзарб масалалар ечими юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Хусусан, бунда “2018—2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқиш белгилангани, аввало, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш имконини беради.

Бу, биринчи навбатда, мамлакатимиз учун савдо алоқаларини ривожлантириш борасида мақсадли бозорларни

аниқлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни янги босқичга олиб чиқади. Ташқи бозорлар конъюнктурасини ўрганиш асосида катта ҳажмдаги экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга йўл очади. Чунки молиявий марказлашув кучайиб, ахборотлар оқими товар ва хизматлар экспортга жиддий таъсир кўрсатаётган бугунги кунда трансмиллий иқтисодий дип-

ломатия ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ташқи бозорларни маркетинг ўрганиш усулини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришни тақозо этади ва шу боис мазкур Концепцияда бу борада янги, замонавий ва самарали механизмни яратиш масаласи мақсад қўлинган.

22

Ҳурриятли муштарийлар.

2017 йил учун “HURRIYAT” газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, “Hurriyat” да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



АНЖУМАН

Ҳаракатлар стратегияси ОАВ нигоҳида

Президентимизнинг жорий йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик муҳитини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Айни вақтда Ҳаракатлар стратегияси гоя ва мақсади, моҳияти ҳамда аҳамияти нафақат давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, кенг аҳоли томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, балки халқаро майдонда ҳам кенг таҳлил қилинмоқда. Ушбу ҳужжатнинг маъно-мазмунини кенг жамоатчиликка содда ва тушунарли қилиб етказиш, албатта, ОАВ ходимларининг вазифасидир. Пойтахтимизда уюштирилган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилда амалга оширишга оид Давлат дастурининг бажарилиши устидан кенг жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВнинг роли мавзусидаги республика анжумани ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан қатор вазирликлар ва идо-

ралар билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутatlари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, марказий ва ҳудудий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари журналистлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Анжуманда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари томонидан Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир йўналишига бағишланган маърузалар қилинди.

Ушбу тарихий ҳужжат орқали давлат хизматини ислоҳ қилиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш, давлат ва хусусий секторлар ҳамкорлигининг замонавий шакллари муҳим чора-тадбирларнинг рўйбга чиқарилишини алоҳида эътироф этиш жоиз, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов маърузасида. — Натижада булар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда аҳоли ўртасида мустақкам кўприк бўлиб хизмат қилиши билан бирга халқимизга муносиб турмуш шароитини ҳам яратиш шубҳасиз.

Анжуманда қайд этилганидек, марказий ва ҳудудий босма ОАВ вакиллари, интернет веб-сайтлар ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ўзаро ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш, дастурийинг бажарилиши устидан кенг жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВнинг ролини ошириш, дастур доирасида амалга оширилаётган ишларни ОАВда кенг, тизимли ёритиш ва бунда ҳар бир фуқаронинг шахсий позициясини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис тадбирда дастур мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ОАВ ходимлари олдида турган долзарб масалалар атрофида муҳокама қилинди ва зарур тавсиялар берилди.

Анжуман давомида босма нашрларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор ва юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш мақсадида ўтказилган «Жамият ва мен», «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» танловларининг ғолиблари тақдирланди.

Гўзал МАЛИКОВА

ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА, ДАВЛАТ ҲАМ БОЙ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

«Бошлангичи I-бета»

Концепциядан қўзланган яна бир мақсад — белгиланган бозорларни миллий маҳсулотларимиз билан таъминлаш. Бунга улардаги асосий иштирокчилар билан узвий ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш орқали эришиш кўзда тутилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат — миллий маҳсулотларимизнинг чет эл бозорларида рақобатбардорлигини ошириш мақсадида мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш тармоқларида халқаро сифат стандартларни (ISO 9001) кенг жорий этиш белгиланган. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларда маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш ишларини янада кучайтириш билан ҳамбарчас боғлиқ.

Харакатлар стратегиясида тadbirkorлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада рағбатлантириш, экспорт-импорт операцияларини тартибга солишни такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини рақобатдорлигини ошириш, экспорт ҳажмининг кўпайтириш ва географиясини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Бунда товарларни ишлаб чиқариш учун бутловчи қисмларни импорт қилишда мувофиқлик сертификати бериш мўлдатини, илгари худди шундай тўрар учун сертификат олган тақдирда 10 кундан уч кунгача қисқартириш назарда тутилмоқда.

Товар ва хизматлар экспорт-импорт (ҳомашё товарлари бундан мустасно) валюта тушумининг белгиланган қисмини мажбурий сотишни камайтириш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналарга белгиланган имтиёزلарни маҳаллий товарларни экспорт қилувчи савдо-воситачилик корхоналарига ҳам таъбиқ этиш режалаштирилган. Барча хўжалик юритувчи субъектларга мева-сабзавот маҳсулотларини тўғридан-тўғри экспорт шартномалари тузиш орқали экспорт қилиш ҳуқуқини бериш, экспорт қилиш таққаланган айрим товарларни (нон ва гўшт маҳсулотлари, тирик мол ва парранда) руҳсатнома асосида экспорт қилиш тизимини жорий этиш, фойдаланилган машина, жиҳоз ва техникаларни экспорт қилишни соддалаштириш ва тартибини аниқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги санитария нормалари ва карантин қоидаларини жаҳоннинг илгор мамлакатлари стандартларига мувофиқлаштириш кўзда тутилган.

Будларнинг барчаси Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 8 августдаги қарори асосида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси зиммасига ҳам қатта масъулиятлар юкляди.

2016 йилда мамлакатимиз тadbirkorлари жамғарма кўмагида 2,9 миллиард доллардан зиёд ҳақда экспорт шартномалари имзолади ва улар доирасида 470 тadbirkorлик субъекти қарийб 1,4 миллиард долларлик экспортни амалга оширди. Жамғарма кўмагида амалга оширилган экспорт ҳажми 2015 йилга нисбатан 33 фоизга ошди. Ташқи бозорларга асосан саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилди.

Экспорт салоҳиятига эга корхоналарнинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш ва уларга молиявий кўмак кўрсатиш мақсадида жамғарма 2,3 миллиард сўмдан зиёд молиявий кўмак ажратди. 15 хил янги турдаги маҳсулотларни халқаро бозорларга етказиб бериш, 40 корхонада халқаро ISO стандартлари та-

лабларига асосан сифат бошқаруви тизимларини жорий этишда кўмаклашилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида жамғарма 2016 йилда Москва, Уфа, Милан, Сеул, София, Женева ва Мадрид шаҳарларида хорижий ваталотналарини ташкил этиш ва тadbirkorларга ушбу мамлакатлар бозорларига экспорт қилишда яқиндан кўмак кўрсатиб келмоқда.

Жамғарма томонидан 242 кичик бизнес субъектига 10 нуфузли халқаро кўргазма ва анжуманда иштирок этишда кўмак кўрсатилди. Натижада тadbirkorларимиз 61,5 миллион долларлик экспортни амалга оширди.

Мамлакатимиздаги ҳар бир туман ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда жамғарма таъсисчилигида 79 агрофирма ташкил этилди. Утган даврда мазкур агрофирмалар жамғарма кўмагида 692 миллион 483 минг долларлик экспорт шартномаларини имзолади.

Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш, уларга товар ва хизматларини ташқи бозорга чиқаришда яқиндан кўмаклашиш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтаришни мақсад қилганмиз.

Жамғарма таъсисчилигида янги тadbirkorлик субъектларини ташкил қилиш орқали экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган 50 миллион доллардан ортиқ қийматдаги лойиҳаларни амалга оширишни белгиланган бўлган. Бунинг натижасида 1,5 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиш, хорижий бозорларда юқори талабга эга экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, йилга 25 миллион доллар қийматдаги маҳсулотларни экспорт қилишга эришилди.

Яна бир устувор вазифамиз — тadbirkorларга 500 миллион доллардан кам бўлмаган қийматдаги лойиҳаларини молиялаштиришда бизнес-режаларни тайёрлаш ва зарур ҳужжатларни банкка топширишда кўмаклашиш. Бу Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш, жумладан, мамлакатимиз ҳудудларида хориждан замонавий технология ва ускуналарни олиб келиш орқали жаҳон талабларига мос ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, янги турдаги экспортбоп маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Жамғарма таъсисчилигида ташкил этилган агрофирмалар жорий йилда 250 миллион доллардан ортиқ қийматдаги маҳсулотларни экспорт қилиш режалаштирилган. Уларда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янгиларини яратиш бўйича қўшимча лойиҳаларни амалга оширишнинг олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу билан мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини саклаш, саралаш, қайта ишлаш бўйича янги қувватларни ташкил этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш орқали умумий экспорт ҳажмида юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларнинг улушини кескин оширишга эришилди.

Бу йил турли мамлакатларда ўтказиладиган халқаро миқёсдаги 20 кўргазма ва ярмаркада тadbirkorлар иштирокини ташкиллаштиришни кўзда тутганмиз. Бу орқали 250 миллион доллардан ортиқ экспорт шартномалари имзоланиш кутулкимоқда.

Жамғарма жорий йилда ҳам мамлакатимиз тadbirkorларига хорижий давлатларнинг қонунчилигидан келиб чиқиб талаб этиладиган сертификат ва лицензиялар, шу жумладан, ISO, Global Ger, TUV ва бошқа халқаро сифат сертификатларини олишда тизимли ва изчил кўмак кўрсатмоқда. Натижа-

да маҳаллий тadbirkorларимиз ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардорлиги оширилиши, экспорт географияси сезиларли даражада кенгайди.

Маркетингсиз, яъни, товар ҳаракатининг барча босқичида талаб ва таклифни ўрганмай, бозор муаммолари ечимда яхлит ва тизимли ёндашмай туриб, экспорт ҳажмини оширишнинг мутлақо имкони йўқ. Шу боис жорий йилда жамғарма мутахассислари 173 мамлакатнинг маҳсулот ва хизматларга бўлган талабини ўрганиш орқали тadbirkorларимизга хорижий ҳамкорлар топши ва экспорт шартномалари имзоланишида кўмаклашишни мақсад қилган. Жумладан, фермер хўжаликлари учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида МДХ, Европа, Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида юқори талабга эга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг навлари, уларнинг нархлари ва импорт ҳажмларини ўрганиш бўйича маркетинг тadbirkorлари ўтказилмоқда.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида тadbirkorлар ичига кириб, уларни ўйлантираётган, хусусан, корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этишда юзага келаятган муаммолар масалаларни изчил муҳокама қилиш — доимий эътиборимизда.

2017—2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тadbirkorлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашниш бўйича шартномада қўрсатилган ҳаражатларни камайтириш, тadbirkorлик субъектларини электр тармоқларига улашни тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш масаласи белгиланган. Бу тadbirkorлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоғига улаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг мўдатлари ва ҳаражатларини қисқартириш. Натижада экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ихтисослашган корхоналаримизга қатта қўлайлик яратилди.

Жамғарма зиммасига юклатилган устувор вазифаларга эришилди 2017—2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим дастуриламал бўлди. Бу — босиб ўтилган йўл, орттирилган тажрибани ҳолисона баҳолаш, эришилган ютуқларни таҳлил қилиш ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада барқарор таъминлаш йўлидаги энг долзарб масалалар ечими, уларга эришиш йўллари ва усуллари белгилан олди, дегани. Ҳаракатлар стратегиясининг аҳоли кенг қатлами, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида тизимли, батафсил ва чуқур муҳокамалардан ўтказилган мазкур юксак марраларга эришиш жараёнини самарали ташкил қилиш имконини беради.

Бу ислохотлардан қўзланган пировард мақсад битта — халқимизни ҳаётдан рози қилиш, бой қилиш. Бунга одамларни тadbirkorликка, ишбилармонликка ўргатиш, кичик бизнес ва тadbirkorлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали эришиш мумкин. Зотан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”.

Жаҳонгир МУСТАФОЕВ,
Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

“2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”да ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”

Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ННТларнинг фаол иштирокини таъминлаш” мавзусида

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадлари назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

1. Жойларда қонунлар, фармонлар ва бошқа қонун ҳужжатлари ижроси, ижро ҳоқимияти органлари зиммасига юклатилган функция ва вазифаларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришнинг самарали механизмларини ва амалиётини ривожлантиришга қўмаклашиш;

2. Маҳаллий ижро ҳоқимияти органларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қўмаклашиш;

3. Маҳаллий ижро ҳоқимияти органлари билан ҳамкорликда аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг ҳамда уларнинг мурожаатларига муносабат билдиришнинг янги самарали ташкилий-амалий усулларини жорий этиш;

4. Фуқароларнинг, айниқса қишлоқ жойларида ва биринчи навбатда ёшларнинг, аёлларнинг, кекса ёшдаги шахсларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга, турли бироқратик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қўшма режаларни, дастурларни ва бошқа тadbirkorларни маҳаллий давлат ҳоқимияти органларининг турли бўғинлари билан ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

5. Қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган ёшлар, аёллар ва ёш оилаларнинг бандлигини таъминлашда вертикал тизимга эга бўлган фуқаролик жамияти институтлари, тижорат банклари, бизнес субъектлари билан ҳамкорликни кучайтириш, уларни тadbirkorлигининг турли соҳаларига, шу жумладан саноат товарлари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида аёллар тadbirkorлиги ва оилавий бизнесни ривожлантиришни кенгайтириш;

6. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва фискал органлар билан ҳамкорликда аҳолининг молиявий-иқтисодий саводхонлигини оширишга ва фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш тизимини шакллантиришга қаратилган амалий чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

7. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ва аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришда, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарликларга муроасизлик, туйғусини кучайтиришда маҳаллий давлат вакиллари ва ижроия органлари ҳузуридаги комиссияларга қўмаклашиш, “Адолат — қонун устуворлиги”, “Аҳоли мурожаатлари — доимий эътиборда” шiori остида мунтазам равишда турли тadbirkorларни ўтказиш;

8. Аҳолига сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтиришга, бўш вақтларини самарали ўтказишни ташкил этишга қўлай шарт-шароит яратиш, барча даражадаги ҳоқимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ободлигини таъминлашга қўмаклашиш;

9. Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

“Мамлакатда рўй бераётган демократик ислохотларнинг аниқ натижалари тўғрисида миллий ва хорижий аудиториянинг хабардорлигини ошириш, сўз эркинлигини ва ахборот олишни, ОАВ янада либераллаштиришни таъминлашга қўмаклашиш” мавзусида

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадлари назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

1. Мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган янги қонунлар, Президент ва Ҳукуматнинг фармонлари ва қарорларининг асосий жиҳатларини аҳолига етказишнинг самарали инновацион механизмларини яратиш ва оммавий ахборот воситаларида жорий қилиш;

2. Қонунларнинг таъсир даражаси ва аҳоли билан мулоқотнинг янги усулларини, қонунларнинг ижтимоий муносабатларини бевосита тартибга солишдаги ролини ёритишнинг инновацион механизмларини оммавий ахборот воситалари фаолиятига таъбиқ этиш;

3. Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очиклигини ва ошқоралигини таъминлаш борасидаги ишларда оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш;

4. Қонун лойиҳаларининг эксперт муҳокамасини оммавий ахборот воситаларида ташкил этиш, жумладан, махсус теле ва радио кўрсатув ва эшиттиришлар уюштириш, интернет ва босма мақолалар чоп этиш ва бошқалар;

5. Иқтисодий, молиявий, ижтимоий соҳаларда, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолигини оширишга қаратилган материалларни оммавий ахборот воситаларида тайёрлаш ва чоп этиш;

6. Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва санъати, буюк шахслар, республикамизнинг турли соҳаларида демократик ислохотларнинг замонавий босқичида эришилган ютуқлар тўғрисидаги маълумотларни чет тилларида тайёрлаш ва Интернет тармоғининг махсус энциклопедик (қомусий) манбаларига жойлаштириш;

7. Ўзбекистоннинг туристик, маданий-тарихий, гастрономик, экотуристик салоҳияти, шунингдек, ижтимоий инфратузилмаси тўғрисида ахборот ва таҳлилий маълумотларни чет тилларида кенг ёритишнинг янги усулларини хорижда жорий этиш, Ўзбекистонга хорижий сайёҳларни жалб этишга қўмаклашиш;

8. Ўзбекистон ва инсон салоҳияти ҳақида таҳлилий маълумотларни, роликларни ва бошқа маълумотларни тайёрлаш ва эфирга узатиш, уларни миллий ва хорижий етакчи оммавий ахборот воситаларининг сайтларга жойлаштириш;

9. Хомашё ресурсларини қайта ишлаш, қишлоқ жойларида илгор технологияларни ва юқори интеллектуал салоҳиятга эга ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқишни жорий этиш соҳаларига хорижий давлатларнинг реал инвестицияларини жалб этиш учун яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар тўғрисидаги ахборотларни хорижда кенг тарқатиш;

10. Замонавий Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорлигини, фуқаролар товулигини таъминлаш соҳасидаги ютуқлари, мамлакатдаги бағрикенглик тамойиллари, тарихий ва маданий мерос, аҳолининг урф-одатлари ва қадриятлари тўғрисида ахборот, таҳлилий материаллар ва янгилар билан таъминлаш ҳамда уларни миллий ва хорижий медиа манбаларда тарқатиш;

11. Ўзбекистонда оналик ва болаликни ҳимоя қилишга, барқарор ривожланаётган жамиятнинг негизи бўлмиш оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган материалларни хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларида тайёрлаш ва чоп этиш;

12. Соғлом фарзандларни дунёга келишининг муҳим омил

сини таъминлашга қаратилган қўшма дастурларни адвокатлар палатасининг, ҳақамлик судлари, солиқ маслаҳатчилари, бухгалтер ва аудиторлар уюшмаларининг, хотин-қизлар қўмитасининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фахрийлар кенгашларининг ҳудудий бўлиmlари билан ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

10. Биринчи навбатда, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жиҳатидан нисбатан орқалда бўлган қишлоқ туманларида, алоҳида аҳоли пунктларида ҳудудларни комплекс ва интенсив ривожлантириш қўшма дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларга янги иш ўринларини, ижтимоий ва маиший инфратузилмани яратишга, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашга қўмаклашиш;

11. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, оила институтини мустаҳкамлашга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қўмаклашувчи комплекс амалий тadbirkorларни амалга ошириш;

12. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ аниқ натижаларни ҳамда иқтисодиётни ислох қилиш ва либераллаштириш борасидаги жараёнларнинг кенг ёритишга қаратилган материалларни тайёрлаш ва чоп этиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қўзғув хати;

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тасвия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2017 йил 27 февралдан 3 апрелгача қабул қилинади. Ҳужжатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди” номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

сифатида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга, болаларнинг туғма касалликлар ва нуқсонлар билан дунёга келишининг олдини олиш ва профилактикасига бағишланган материаллар тайёрлаш ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида чоп этиш;

13. Ёшлар тўғрисидаги давлат сисбатини амалга оширилиши, ёш авлодининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш чора-тадбирлари, ёшлар орасида китоб ўқиш маданиятини шакллантириш ва аҳоли кенг қатламлари ўртасида тарғиб этиш борасида материаллар тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

14. Атроф-муҳитни асраш, ҳудудлардаги ноёб турдаги ўсимликлар, ҳайвонлар ва қушларни муҳофаза қилиш ҳамда экология соҳасида ижтимоий муҳим лойиҳаларни амалга ошираётган ННТлар фаолиятини ОАВда ёритишни кучайтириш ҳамда экологик журналистикани ривожлантириш;

15. Мамлакат ҳудудларининг турли соҳаларда эришган ютуқларини ва салоҳиятини, амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини кенг ёритадиган интернет сайтларни яратиш ва интернет оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш;

16. Жойлардаги давлат ҳоқимияти органлари, санитария эпидемиология станциялари ҳамда бошқа манфаатдор давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда обод маҳаллаларнинг илгор амалиётини ўрганиш ва уларнинг ютуқларини бошқа маҳаллаларга тарғиб этиш, “Экологик ўрнак маҳалла” танловини ўтказиш;

17. Ижтимоий етимликнинг олдини олиш, алоҳида эҳтиёжманд болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни мослашувчи ва бўш вақтларини сифатли ташкил этиш, турли хилдаги спорт турларига, фан, маданият ва тасвирий санъатга жалб этиш;

18. Болалар уйларида ота-она қаровисиз қолган етим қиз болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш соҳасида ҳаётини кўнжмаларини шакллантиришга оид тadbirkorларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қўзғув хати;

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тасвия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 20

ДИЛ ИЗХОРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 24-25 февраль кунлари Қашқадарёга ташрифини, жойлардаги учрашувлари, янги лойиҳалар тақдимотларида билдирган фикрларини вилоятимиз аҳолиси катта қизиқиш билан кузатиб борди.

ОДАМЛАРНИНГ КЎНГЛИ КЎТАРИЛИБ, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбари сафар давомида Республика иختисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қарши филиалини ташкил этиш бўйича лойиҳа тақдимотида қатнашиб, мазкур тиббиёт муассасасининг аҳамияти, самаралари ҳақида зарур тавсияларини берди.

Президентимиз раислигида 2017 йилнинг 5 январь ва 7 февраль кунлари бўлиб ўтган мажлисларда аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш борасида бир қатор долзарб масалалар кўтарилди. Соҳа ходимлари йилги ишлари белгиланган вазифалар, соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларни ҳал қилиш ва тиббиёт ривожини янги bosқичга олиб чиқиш борасидаги топшириқларни бажаришга киришди.

Ҳар қандай касалликнинг олдини олишнинг энг яхши йўли соғлом турмуш тарзига амал қилишдир. Бугун мамлакатимизда тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш орқали турли касалликларнинг олди олинмоқда. Барча хасталиклар замонавий шифохоналарда иختисослаштирилган ҳолда даволанмоқда. Жумладан, эндокринологик касалликларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Республика иختисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қарши филиалини ташкил этиш бўйича лойиҳа тақдимотида Президентимиз фикрларини тиббий қўриққа кенг жалб этиш, малакали мутахассислар фаолиятини йўлга қўйишни алоҳида қайд этили.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йўлида давлатимиз раҳбарининг ўзлари намуна бўлиб, халқ билан дилдан суҳбатлашгани, уларнинг тақлиф ва фикрларини эшитаётгани кўнглимизни тоддек кўтармоқда, эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамламоқда. Бу зимманига юкталган вазифаларни бекам қўст бажариш, янги марраларга эришишга ундамоқда.

Азамат БОБОКУЛОВ,
Қашқадарё вилояти эндокринология диспансери
эндокринолог ва
У.А.

Илм-фан, инновация ва саноат уйғунлиги

ЗАМОН ЎЗГАРИШЛАРИ


Сўнгги ўн йилликда ривожланган мамлакатларда патент соҳасига бозор муносабати ва бизнеснинг кириб келиши туфайли бу йўналишга кенг жамоатчиликнинг қизиқиши ортмоқда. Бизнесча, илм-фан ва инновация жараёнларининг биринчи bosқичи бўлган патентлаштиришга эътибор ошишида иккита омил мавжуд.

Биринчидан, патент интеллектуал мулкни моддийлаштириб, энг ишончли муҳофаза бўлиб хизмат қилади ва ҳар қандай катта-кичик корхонанинг иқтисодий ривожига ижобий таъсир ўтказди. Иккинчидан, патент маълумот базаси ахборот хазинаси сифатида рақобатчилик таҳлилининг қўлатилишга айланди. Шу сабаб ривожланган мамлакатлардаги йирик компанияларнинг патент портфеллари активлари яширин қиймати доимо сир сақланади. Мисол учун, "Nokia" ва "Panasonic" компанияси билан қайси бирининг патентлари сони кўпроқ бўлса, илмга суянган, келажакка сармоя қўйган компания сифатида унинг акциялари сотиб олинади. Чунки, гоёсини патентлашга панажа орасидан қараб, чет эл технологияси эвазига ишлайдиган фирма, компанияларнинг узоққа бормаслигини Фарб давлатларида яхши билишади. Ҳа, номоддий активлар (патентлар) пайти келиб, бозорларни тезда эгаллаш, хали муқобили бўлмаган ўз бренди — сифатли маҳсулот билан бозорни ушлаб туриши, эскича услубда кун кўрадиган "рақиб"ларини айланиб ўтиб, бозорда устун келиши учун жуда асосли. Бугунги кунда республикаимиздаги айрим корхоналар ҳам номоддий активлари баҳосини алақачон пулга чақиқ, уларни йиллик молиявий балансида акс эттиришмоқда.

Америкалик назарийчи С.Блэк модернизацияга "анъанавий институтларни инсон билимининг мисли қўрилмаган даражада ошириш эвазига ўраб олган муҳитни назорат

қилишдек янги функцияларга мослаштириш" деб қарайди. Ҳар бир мамлакатда иқтисодий, ҳатто сиёсий модернизациялаш тақдир — илм-фан, таълим ва инновация уйғунлиги, яхши ҳамкорлигига чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Солдароқ кўринишда муҳандис олимлар, конструкторлар олатда бу жараённи уч bosқичда босиб ўтиш: биринчи bosқичда объектни яратиш, яъни ишлаб чиқувчи муаллифлар гуруҳи илмий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишларини бажариб, патент-ахборот қидирувлари, тадқиқотларни олиб боради, муҳофазат қилишга объектларни аниқлайди; иккинчи bosқичда яратилган интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза олиш учун Интеллектуал мулк агентлиги — ИМА (олдин Патент идораси эди)га барча ҳужжатларни топширади; учинчи bosқичда маҳсулотни чиқариш, сотиш, яъни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки модернизация қилиш, номулкий ҳуқуқларини бошқаларга ўтказиш, лицензия шартномалар тузиш, хизматларини сотиш бўйича маркетинг тadbирлари амалга оширилади. Бу масалада энг мураккаби — яратилган иxtирога муҳофаза ҳужжатлари олиш бўлиб, дунёда унинг аналог, яъни ўхшашли топилмаслиги талаб этилади. Таҳлиллардан маълум бўлишича, республикаимизда ИМАга топширилган бюртмаларнинг бор-йўғи 30—35 фоизга патент берилмоқда. Демак, бу борада ривожланган давлатлар тажрибасидан ўқиб-ўрганиш, тинимсиз меҳнат қилишимизга тўғри келади.

Агар норматив-ҳуқуқий базага келадиган бўлсак, Ўзбекистонда 1991—2012



йиллар мобайнида патент соҳасига онд жаҳон андозасига мос қонунчилик базаси яратилган бўлиб, жумладан, 6 та Қонун, 12 та халқаро битим ва келишув, 30 дан зиёд ҳуқуқматларро битим ва шартнома, Ҳуқуқмат қарори, 80 дан ортқ илоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб турибди. Муҳофаза ҳужжатларини олишни хоҳлаган ҳамда шунга ҳуқуқ бўлган ҳар бир киши иxtиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарига патент олиш ёки ЭХМ учун дастурлар, маълумотлар базаси, товар белгиларини рўйхатдан ўтказмоқчи бўлса, талабномани ИМАга топширади. Бунинг учун талабнома берувчилар иxtиро ёки фойдали моделнинг формуласини ва тавсифини баён этиши, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун эса товарлар рўйхатини тузишни билиши даркор.

Хўш, мазкур соҳада қандай муаммолар мавжуд, деган ҳақи савол туғилади. Биринчидан, қўлаб саноат қорти хоналаридати патент бўлимлари ва конструкторлик бюрolari ётипан. Иккинчидан, илмий тадқиқот, ўқув даргоҳлари ва саноат корхоналарида патент олиш учун ҳужжатлаштириш қонун-қондаларини биладиган патент-шунослар камайган. Учтинчидан, олий ўқув юртида "Патентшунос" ёки шунга яқин "Инновация менежменти" мутахассислиги тайёрланмади. Ваҳоланки, юқорида санаб ўтилган кадрлар, биринчи навбатда истиқболли соҳа — кичик бизнесни ва интеллектуал мулк бозорини шакллантиришга, демакки, инновация ривожига хизмат қилади.

Ўтган йилларда Ўзбекистонда интеллектуал мулк ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди. 2009 йилдан бошлаб Давлат статистика қўмитасида йиллик "Инновацион фаолият тўғрисида ҳисобот" янги шакли қабул қилинди. 2009 йилда Давлат патент идораси юзта энг яхши иxtирони жамлаган "Истиқболли иxtиролар" тўпламини биринчи марта чоп этди. Энди у ҳар йили алоҳида китоб ҳолида нашр этилмоқда. Булар ҳаммаси кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан иxtиролар муаллифлари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш имконини яратмоқда.

2008 йилнинг 15 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этилишини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида" Қарори қабул қилинганди. Бу қарор барча олий ўқув юрти ва ишлаб чиқарувчиларга катта масъулият қўлаб, янги иxtиролар, фойдали моделлар ва товар белгиларининг тезроқ амалиётга жорий этилишини, саноатнинг реал секторидан ўрин олишига имкониятлар яратиб берди. Қарорга мувофиқ, вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, компанияларда таркибий бўлимлар, зарурат туғилганда, лойиҳа-конструкторлик бюрolari ташкил этилиши лозим. Шу ўринда бир мисол келтирамиз: ТошДТУ "Фан ва тараққиёт" давлат унитар корхонасида лойиҳа-конструкторлик бюроси,

патентлаш-лицензиялаш бўлими ташкил этилиб, ўз фаолиятини жадаллаштирган. Унинг таркибида 11 та илмий-тадқиқот лабораторияси, қўлаб бўлимлар ишлаб турибди. Илмий-технологик корхонада 3 та академик, 14 та фан доктори, 20 та фан номзоди ва илмий ходимлардан иборат 103 киши фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар биргана 2015 йилнинг ўзида 2 та ўқув қўлланма, 2 та монографияни тайёрлаб чоп этишди.

Модернизациялаш — мамлакатни замонавийлаштириш, бир қадар олға қадан ташлаш демакдир. Бунга эса фан, инновацияга иxtисослашган иқтисодиёт локомотиви йўл очиб беради. Бугунги кунда, рақобатбардoshi маҳсулот мамлакатини танитида. Хусусан, Япония, Германия, Франция, Хитой фақат шу йўллар орқали дунёни забт этди. Бунга Мэйиди ислотчилари (1864), Л.Эрхард (1945), Шарль де Голль (1944), Дэн Сяопин (1978) каби кучли ислотчиларнинг узоқни қўзлаган гоёлари, ўз устида тинимсиз ишлаши ва кучли иродаси туфайли эришди. Нихот, Россияда ва бошқа МДҲ давлатларида янги шу мақсадда стратегик дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистонда қўл йиллардан бери Инновацион гоёлар, технологиялар ҳамда тармоқларнинг янги маҳсулотлари кўргазмалари ташкил қилинмоқда.

Бундай тadbирлар албатта халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг янги талаб ва кўрсатмаларида ҳам фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигига эришиш устувор вазифа этиб белгилангани диққатга сазовор. Демак, илм-фан мамлакат тараққиёти пойдевори бўлиб хизмат қилиши лозим. Зеро, яқин йилларда фан ва инновацион фаолиятга онд қонунчилик базаси, инновацион инфратузилма яратилса, фан ва ишлаб чиқаришнинг алоқаси мустаҳкамланса, бундан фақат гоё муаллифларига эмас, миллий иқтисодиётимиз ҳам катта наф қўради.

Бахтиёр ОМОНОВ,
сиёсий фанлар номзоди

ОГОҲ БЎЛИНГ, ОДАМЛАР

Бугун китоб мутолааси, унинг инсон маънавий юксалишидаги ўрни беқийсизлиги бот-бот эътироф этилмоқда. Лекин "Китоб ўқимасликнинг зарари қандай?" деган савол хусусида ҳали кескин баҳс-мунозаралар авж олганича йўқ.

Дарҳақиқат, китоб ўқимаган одам тийнати ва сийратини қандай тасаввур қилиш мумкин? Яъни умрида бирон марта китоб varaқламаган, унинг лаззатидан баҳра олмаган кишининг дунёқараш, фикр олами қандай кўринишда бўлиши мумкин? Умуман олганда, унинг онгшуррида бундай тушунчалар бўлармикан?

Китобсиз кишини ўзимча шундай тасаввур этаман: уни турли ёлгон-ялғиз ваъдалар билан алдаса бўлади. Оқни қора деса, эътироз билдиришга ҳайкади. Охири йўқ кўчага олиб кириб, бу йўлнинг сўнгига сени омад кутди деса, биринчилик қаторида чоқиллайди. Чунки унда фикр йўқ, тафаккур йўқ, дунёқараш шаклланмаган. Афсуски, бундай ҳолатлар асосан кўшар ва ўқималар орасида кўпроқ учраётган.

Яқинда бир қатор интернет сайтлари виртуал оламда "кўк кит" номи остида янги ўйин пайдо бўлгани ҳақида огоҳликка қорловчи бонг урди. Уларда келтирилган маълумотлар ва мулоҳазалар билан танишган, ушбу ўйинни ўйлаб топганлар, уни абонементлар орасида кенг омаллаштиришга уринаётганлар, шунингдек, кўрнимас қотилларнинг йанрайнгга учиб қолаётганларнинг юқоридаги фикримизга яхшигина алоқаси бор, деган хулосага келасан киши.

Келинг, дастлаб "Кўк кит"нинг қандай ўйинлиги, унинг мақсад-муддоси билан танишайлик. "В Контакте" ҳамда "Инстаграм" ижтимоий тармоқларида яшаш тизимида омаллашди бораётган "Кўк кит" (ёки "Тинч уй") ўйини ҳали воёта етмаган ўқималарни ўз домига тортмоқда. Эзлик кун мобайнида эзлик шартини бажаришни талаб қиладиган бу ўйиннинг охири иштирокчининг ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси билан аяқланилади.

Ушбу ўйин қаердан "илдиз отди" ва айнан нега "Кўк кит" номи билан аталди, деган савол барчани ўйлантиришни табиий.

Китобсиз кишини ўзимча шундай тасаввур этаман: уни турли ёлгон-ялғиз ваъдалар билан алдаса бўлади. Оқни қора деса, эътироз билдиришга ҳайкади. Охири йўқ кўчага олиб кириб, бу йўлнинг сўнгига сени омад кутди деса, биринчилик қаторида чоқиллайди. Чунки унда фикр йўқ, тафаккур йўқ, дунёқараш шаклланмаган. Афсуски, бундай ҳолатлар асосан кўшар ва ўқималар орасида кўпроқ учраётган.

Яқинда бир қатор интернет сайтлари виртуал оламда "кўк кит" номи остида янги ўйин пайдо бўлгани ҳақида огоҳликка қорловчи бонг урди. Уларда келтирилган маълумотлар ва мулоҳазалар билан танишган, ушбу ўйинни ўйлаб топганлар, уни абонементлар орасида кенг омаллаштиришга уринаётганлар, шунингдек, кўрнимас қотилларнинг йанрайнгга учиб қолаётганларнинг юқоридаги фикримизга яхшигина алоқаси бор, деган хулосага келасан киши.

Келинг, дастлаб "Кўк кит"нинг қандай ўйинлиги, унинг мақсад-муддоси билан танишайлик. "В Контакте" ҳамда "Инстаграм" ижтимоий тармоқларида яшаш тизимида омаллашди бораётган "Кўк кит" (ёки "Тинч уй") ўйини ҳали воёта етмаган ўқималарни ўз домига тортмоқда. Эзлик кун мобайнида эзлик шартини бажаришни талаб қиладиган бу ўйиннинг охири иштирокчининг ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси билан аяқланилади.



тимий тармоқлардаги "Ўлим гуруҳлари"га аъзо бўлган ва шу номадаги китобларни ўқиган. Гуруҳ аъзоларидан охири топшириқни олчак, гуруҳни тарк этган.

Кўшн давлат. Қозғостоннинг Қарағанди ҳудуди. 19 ёшли Галина Сибирякова 6-февраль "Кўк кит" таъсирида ўз жонига қасд қилди. Шу кун Шеркўй Қозғостон вилояти прокуратураси ижтимоий тармоқда шахсон ўз жонига қасд қилишга ундовчи гуруҳ топилганини тасдиқлади.

Бишкек. Соат саҳар 4:00. Кўп қаватли бино ёнидан 8-синф ўқувчиси жасади топилди. Бишкек милицияси ўсмир эрта тонгда ўзини кўп қаватли бинонинг 4-қаватидан ташлаб ўлдириган деган хулосага келди. Суиқасда "Кўк кит" ўйини сабаб бўлгани тўғрисидаги таҳминлар Қирғизистон жамоатчиликнинг ташвишига солмоқда.

Қозғостоннинг Жамбил вилояти. Яна бир 8-синф ўқувчиси "Кўк кит"нинг икки вазифасини бажарган заҳоти ота-онасининг хушёрлиги сабаб ажал домидан тортиб олинди. Ҳозир у билан психологлар ишламоқда.

Бу қотилликни аслида ўсмирлар ёки болаларнинг ўзи эмас, виртуал ўйин орқали аввалига уларни алдаб-авраб, рағбатлантиришлар билан қизиктириб, бора-бора жисмини азобловчи, руҳиятини шикастловчи турли топшириқлар юклаб, ниҳоят қадар таъзия билан онгини бошқарган ўша разил гуруҳларнинг манфур қимсалари амалга оширган. Шу сабабдан улар жамоатчилик томонидан "Ўлим гуруҳлари" дея тамғаланган бўлса, неажаб.

Фикримизнинг исботини 2017 йилнинг январь, февраль ойлари давомида Қозғостонда 63 та "Ўлим гуруҳлари"га жалб этиш ва 15 нафар боланинг ўз соғлиғига сўнгги тақдирини ҳолатлари аниқланганидан ҳам биласан бўлади. Сўнгги Қозғостон хабарига асосан ОАВБга "Ўлим гуруҳлари" деб ном олган бундай гуруҳлар олатда ижтимоий тармоқлар орқали тарқалиб, асосан мактаб ёшдаги болаларни жалб қилишча ва давом этмоқда. Хўш, нега бу ўйиннинг аксар фойдаланувчилари ўсмирлар? Бу ҳам бежизга эмас, албатта. Ўша "Ўлим гуруҳлари" нечоғли тажрибали психолог шахслар томонидан бошқарилиши шундан ҳам билса бўлади. Сабаби мактаб ёшдаги болалардан кўра ёши катталар кўпроқ ҳаётини тажрибага эга ва уларнинг топшириқларини бажармасликлар мумкинлигини ўйин ташкилотчилари яхши билишади. Мазкур гуруҳга аъзо бўлган ҳали мактаб ўқувчиси бўлиши Юля исмли рус қизининг айтишича, гуруҳга асосан ҳаётининг оғирлиги, яшаш қийинлашиб кетгани, ўзини ўлдирувчи кадрлар туширилган фото ва видеолар юклан-

ган. Ўйинга аъзо бўлган иштирокчи ўз саҳифасига "Мен ўйиндаман", "4.20 да бошлайман" сингари сўзларни ёзиб, "ўз розилигини билдиради". Ана шундан сўнг топшириқлар кела бошлади. Гуруҳ аъзоларидан, яъни ўйин яратувчилардан бири унга "Йўл-йўрик кўрсатувчи" сифатида бириктирилади.

Ўйин қоидаасига кўра, иштирокчи шартларни эрталаб 4:20 да тармоққа кириб, қабул қилиб олади. Ҳаммаси жуда жўн, аввалига, оқ қорозга кўк кит суратини чиқиш топширилади. Сўнг ана шундай суратларни танага чизиб буюрилади. Агар ўйин иштирокчиси кит бўлишга тайёр бўлса, "Ҳа" сўзини ёнгина тилиб ёзиши, мобо-бодо, жавоби "Йўқ" бўлса, у ҳолда қўлини шунчаки бир неча бор тилиш айтилади. Саҳар 4:20 да уйғониб, кўп қаватли уйнинг томига чиқиб ёки оёқларини паства осилтирган қўйи томада ўтириш, поезд реъсалари устида юриш каби ақлга сирмас вазифаларнинг қундан-қун "масъулияти" ортаси ортдики, асли камайитирилади. Иштирокчи эса вазифаларини бажарганининг исботи сифатида суратга тушиб, гуруҳ бошқарувчисига кўрсатишни керак. Гуруҳ аъзолари шу каби турли топшириқлар бажариб, уни видеога олишлари ва гуруҳда намойиш қилишлари талаб этилади. Масалан, тез кетаётган автомобилни олдиндан сўнгги дамба юғриб ўтиш каби (ҳайдовчилар бир неча бор шундай воқеанинг гувоҳи бўлишгани тасдиқлашган). Бу ўйинларда босқичма-босқич "топшириқлар" мураккаблаштириб борилади ва энг охири топшириқ ўз жонига қасд қилиш билан тугайди.

Хўш, нега иштирокчи ёшлар уларнинг топшириқларини сўзсиз бажаришмоқда? Гап шундаки, ўлимдан асраб қолган кўпгина ўсмирларнинг таъкиллашча, вазифаларини бажармаган ва уларга бўйсунмаганларга таҳдид қилиб, "Ўзимиз сени ўлдирамиз ёки ота-онанг кишини янги бошқа кўрмайсан" каби дўқ-пўпасалар қилишган. Афсуски, бу олдий пўпасалар эмас эди. Чиндан улар мақсуд дастур орқали фойдаланувчининг IP манзилини аниқлаб, унинг уй манзилини билиб олишган ва шу орқали, "сен шу манзилда яшайсан, шартини бажармасан, онанг билан йўқ қиламиз ёки уканг боғчадан қайтмайди, орқатга йўл йўқ,

бажаришинг шарт", дея шантаж қилишган. "Мени кузатишга келма", деб ўйлаган ўсмир кўрқув-тушиб, яқинларини ҳимоя қилиш учун ўз жонига қасд қилади. Бундан ташқари, иштирокчи қиз бола бўлса, ундан турли алдов йўли билан олинган шахсий (интим) мазмунига эгалари ҳам) суратлари ҳам сўнгги bosқичда суиқасдага мажбурлаш воситасида қўлланилади.

Қонхўр ғаламисларнинг бузуқ ниятларига чув тушаётганлар оз эмаслигини халқаро янгиликлар дастурларида ҳам кўриш мумкин. "Ўлим гуруҳи"нинг топшириғи эса, асосан, эрталабки ширин уйку вақтида, тонгги 4:20-4:30 аростида берилишининг сабаби "бу туш экани, шартини бажариши билан ўйинишчи ва натижадан қандай бўлганини билиш мумкин" лиги каби тупнос усулларидан фойдаланилгани ҳам хабарларда айтилмоқда.

Нимага болалар осонгина бу ўйин иштирокчисига айлана олишарди? Бу саволга россиялик психолог Михаил Барышев "Известия" газетасидаги интервьюда шундай жавоб берди: "Ҳали ўсмирларимизда, айниқса, бу каби ўйин иштирокчисига айланиб улгурган болаларда ўзини асраш ва ҳимоя қилиш олинтинкти тула шаклланмаган. Фарзандларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатига ота-она доим ҳам эътибор беравермайди. Умуман эътиборсизлар ҳам борлиги янада ачинарли. Шу бонсдан ўсмир ўтиш давридаги характер ўзгариши пайтида яқинларининг эътиборида бўлишни истаб қолган ва шу каби ўйинлар билан бўла ёриша олмаган, эътиборини ўзинига қарата олмаган, деб ҳисоблайди.


Тасаввур қилинг, илгарилари уйғотишга қийналган боланинг саҳар тўртдан уйғонса, кўрқинчилик роликлар кўрса... бу қандай ҳолки, таъкилсиз барини ўзи мустақил амалга оширса. Шундан билса ҳам бўладики, боланинг кучли руҳий таъсир ўтказишга. Ҳатто кўрқувини енгитишга тайёр. Балки оилада қимиллир эътиборига тушиши ёки қимиллир ўзини қаҳрамон кўрсатиш учундир. Алоқибат, физиологик стрессни бошдан кечирган, уйкуси бузилган ва етарли дам олмаган ўсмир руҳиятида салбий ўзгаришлар юз бериб, руҳиятнинг ҳимоя қилиш механизми фаолияти сустлашди".

Ота-оналар фарзандини қандай асраб қолтиш мумкин, деган ҳақиқат савол туғилади. Ўз боласини ана шундай хавфлардан асраш учун ота-она унинг смартфон ва планшетда қандай ўйинлар ўйнаётганини, ижтимоий тармоқларда ким билан мулоқот қилаётганидан хабардор бўлиб туриш туа муҳимдир. Энг аҳисси, болани имкон қадар кўпроқ машғулотлар билан банд қилиш керак-ки, то унинг ортиқча ишлар билан шуғулланишга вақти ҳам кўчи ҳам қолмасин. Турли спорт машғулотлари, тўғараклар, мусиқа дарслари, уй юмшлари ва ҳоказо. Энг ёмони, фарзанднинг ишончинини йўқотиш ва ундан узоқлашиб кетиши. Бунинг олдини олиш учун ота-она кўпроқ боланинг ҳаётида иштирок этиши керак, у билан бирга шуғулланиши, унинг мактабдаги, тўғаракдаги муваффақиятлари билан қизиқиши ва керак бўлганда маслаҳат бериб туриши жуда зарурдир. Ва айни пайтда шафқатсиз гуруҳларга кирмаслигини учун энг мақбул йўллар ҳам қолмасин. Сўнгги ўрнида шунга алоҳида таъкиллаш истадики, бу ҳодисалар ҳаётдаги энг узоқ ўлкада эмас, биздан унча узоқ бўлмаган чегарадош мамлакатлар шаҳарларида юз бермоқда. Юқоридаги ўйинлар ҳақида эшитга, ёза туриб, Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ қўчга эга давр келганига яна бир қарра амин бўламиз. Хавотирдан ёқа ҳам ушлайми. Мени алди оламайди, деб ўйинга қизиқиш билан қўшилиб, алоқибат "виртуал қотиллар"нинг туртига тушиб, ўйинни тарк этмайди, ўз ширин жонини хатарга қўйган ёшлар ачиниб, қуйнамаз. Афсуслар бўлсинки, ачиниш наломат билан бу балонини бартараф этиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар биримиз оила аъзоларимиз, айниқса, фарзандларимиз, ўсмир қўшнго қариноҳларимизни огоҳликка даъват этайлик. Токи, бизнинг ҳудудда юқоридаги каби нохуш ҳолатлар қонхўр, юзи бекик, қилмиш пинҳон виртуал қотилларга асло ўрин қолмасин. Фарзандларимизни улардан, уларнинг бемаъни 50-топшириғидан асрайлик! Зеро, фақат гўзал тарбия ва соғлом муҳитига фарзандларимизни ҳар қандай ғаламислардан асрай олади.

Гўзал МАЛИКОВА,
"Хуррият" мухбири

Харакатлар стратегияси ва матбуот

Миллий тараққиёт йўлидаги ҳар бир жамият ўз олдида қўйган бош мақсаддан келиб чиқиб, ривожланиш ва тараққиётнинг яқин-узқоқ келажака мўлжалланган аниқ дастурини белгилаб олиши керак. Шу маънода давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида кўзда тутилган беш устувор йўналиш мамлакат ҳаётининг барча соҳалари, жумладан, оммавий ахборот воситалари учун ҳам яқин йиллар учун амалий фаолият дастуридир.



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

Кейинги олти йил ичида Биринчи Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Концепция асосида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини ислоҳ қилиш, бошқарув тизimini такомиллаштириш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Шу масалага бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференцияда таниқли олимлар, сиёсат ва жамоат арбоблари, нуфузли молия институтларининг мутахассислари, шунингдек, Жаҳон банки, Осн тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки вақиллари Ислам Каримовнинг жаҳон жамоатчилигига яхши маълум беш тамойилига юксак баҳо бердилар. Ҳаёт мураккаб шартларда мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани, халқимиз ҳаёти ва тафаккурида яхши ўзгаришлар юз бераятгани, фуқаролик жамияти институтлари изчил ривожланаётгани, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ва бошқа ютуқларимиз бундай баҳога асос бўлиб дейиш мумкин.

Бу эътиборнинг қиммати яна шундаки, бугун дунёда кечаётган, одамларнинг турмуш тарзига бевосита таъсир кўрсатаётган молиявий инқироз дунёнинг кўплав давлатларида ижтимоий дастурларнинг қайта-қайта қўриб чиқишига, иш ўринларининг қисқариши оқибатида ишсизликнинг кўпайишига олиб келгани, Ўзбекистонда эса инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида қабул қилиниши кўплав салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилди.

Концепцияда илгари сурилган муҳим ғоялардан бири оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш эди. Бугун ҳаммамизга бир ҳақиқат аён: мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини янада қуқурлаштириш, аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги фаол иштирокига эришиш учун, аввало, жамиятда сўз эркинлиги ва ахборотни ҳеч қандай монеликсиз олиш имконияти, оммавий ахборот воситаларининг одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ифода этадиган ҳолис минбарга айланиши, бунинг учун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланиши зарур бўлади. Чунки, жамият аъзоларининг ахборот олиш, ахборотни ва шахсий фикр-мулоҳазаларини баён қилиш, тарқатиш ҳуқуқи мамлакатимизда демократик жамият барпо этишининг муҳим шарт ҳисобланади. Шу боис ҳам истиқлол йилларида оммавий ахборот воситаларида сўз эркинлигини амалда таъминлашга, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган миллий қонунчилик базасини яратиш-

га жиддий эътибор берилди. "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши одамларнинг ўзлари истоган ахборотни ҳеч бир монеликсиз олиш, айни чоғда, ахборотни муҳофаза қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги ҳавфсизлигини таъминлаш имконини берди десак, хато бўлмайди.

Жамият ҳаётининг турли йўналишлари динамикасини қиёсий таҳлил қилиш у ёки бу соҳанинг қай даражада ривожланаётгани ёки бошқа бир ҳолатда эканини ойдинлаштиради. Оммавий ахборот воситаларимизга шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугунги босма матбуот, радио ва телевидение собиқ тузумнинг "ур, тўқмоқ" матбуотида кескин фарқ қилишига амин бўламиз. Бироқ демократик жамият қуриш йўлидан бораётган мамлакат матбуоти, энг аввало, ҳолис ва халқчил минбарга айланиши, унда фикрлар, қарашлар хилма-хиллиги, соғлом баҳс-мунозара мавжуд бўлиши талабидан келиб чиқадиган бўлсак, шу фарқ билангина қаноатланиш мумкин эмаслигини қайд этишимиз зарур.

Истиқлол йилларида янги матбуот тизимини шакллантириш ва мавқеини ошириш борасида кўп ишлар қилинди. Сиёсий партияларнинг расмий нашрлари, хусусий газеталар, журналлар, телевидение ва радио тармоқлари ижодий рақобат, баҳс-мунозара, тезкорлик ва ҳозиржавоблик муҳитини юзага келтирди.

Интернет журналистларга энг зарур маълумотларни тез топиш, қонун ҳужжатлари, бирламчи манбалар билан ишлаш, дунё ахборот макони янгиликларидан вақтида хабардор бўлиш, турли манбаларни ўзаро қиёслаш имконини берди. Бир қарашда, ҳеч қандай муаммо қолмагандай, аммо...

Ўзбекистон дунёнинг ривожланган, тараққий топган давлатлари сафидан мустаҳкам ўрин олишга интилаётган, жаҳон майдонига дадил чиқаётган экан, оммавий ахборот воситалари, журналистлар бу жараёнда зиммаларига қандай муҳим масъулият юклиниши билан ҳис этишлари ва бунинг асло унутмасликлари керак. Чунки, ҳар қандай жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, миллий қадриятлари, кўзалари мақсади, давлат ташкилотлари фаолиятининг очиклиги, сўз ва фикр эркинлиги, жамоатчилик назоратининг ишлаши ва бу назоратнинг амалдаги самараси, одамларнинг ҳуқуқий онги, маданияти ва, ҳатто, журналистларнинг эҳтиросларга берилмай, босиқ ва вақтинлик билан, аниқ факт ва рақамлар таянган ҳолда фикр юритиш маҳорати унинг матбуотида намоён бўлади. Чинакам эркин матбуотда одамларнинг ўй-хаёллари, орзу-истаклари, ижтимоий-сиёсий қарашлари,

воқеа-ҳодисаларга муносабати, тақлиф ва ташаббуслари, шу билан бирга, нимадан хурсанд ёки нимадан кўнглилари тўлаётгани, қонунларга амал қилмаётган, одамларнинг тинч-майинган, фақат ўзининг фикрини тўғри деб ҳисоблайдиган ва бунинг оқибатида чуқур ўйланмаган пала-партиш қарорлар қабул қиладиган мансабдорларга бераётган баҳо-ларни яққол кўриб туради. Матбуот шундай минбарга айлансагина ўзининг бош вазифасини бажарган бўлади.

Хорижий мамлакатларда бўлганимизда, маҳаллий матбуот саҳифаларини арақлаб, радио ва телевидениега қулоқ тутиб, у ерда ҳаёт даражаси қандайлиги, матбуот нашрларида қандай ахборот тарқатилаятгани, дунёда, ёндош минтақаларда кечаётган жараёнлар қандай шарҳланаётгани, одамларнинг фикрига нечоғли ўрин берилаятганига қараб, шу мамлакат, шу жамият ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўламиз, фикрли шаклланади. Чунки жамият қандай бўлса, унинг матбуоти ҳам шундай бўлади. Демак, матбуотнинг мавқеи, таъсирчанлиги ва самарадорлиги, халқ кўнглининг ифодачилиги айланиши фақат бунинг учун зарур бўладиган шарт-шароитларнинг, масалан, қонунчилик базасининг мавжудлиги билангина эмас, энг аввало, бундай мавқега кўтарилиш учун ҳо-ҳиш-истак, ҳаракат, яъни ижодий журъднинг бор-йўқлигига кўпроқ боғлиқдир. Бошқа соҳаларда бўлгани каби, матбуотда ҳам ошқора ёзиш имкониятининг мавжудлиги муҳим, аммо бу имкониятдан тўғри, унутили, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш янада муҳимкор.

Ҳар бир жамият ўз матбуотини ўзи яратди, ўзи унга йўналиш беради ва ўзи яратган матбуот ёрдамида олдида қўйган мақсадларига у ёки бу даражада эришади. Матбуотнинг сўзлиги, жимлиги, қуруқ мадҳиябозлик, ҳамду сано билан машғул бўлиб қолиши, одамларнинг ҳақиқий норозиликларига эътибор бермаслиги, бундай ҳоллардан кўз юмиши оқибат натижада жамиятнинг умумий тараққиётига, шу билан бирга, давлат-жамият-шахс муносабатларига салбий таъсир кўрсатади. Одамларнинг қуноқчанлик билан ёзган хатларига, фаол фикр сифатидаги кузатувларига, аниқ далил ва исботлар асосида ёзилган шикоятларига эътибор бермайдиган, муаммолар ечимини учун жон қўйдиришларини тахрирларга реал ҳаётдан узоклашадилар, орада бўшлиқ, узиллиш пайдо бўлади. Бунинг ушбу йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йили деб эълон қилиниши, жойларда халқ қабулхоналарининг очилиши ва у ерда келаётган муносабатларнинг сони ва мазмунида яққол кўриш мумкин.

Одамлар мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, оламшумул муваффақиятлар, дунё тан олган ютуқларимиз билан бирга, ҳуқуқ-тартибот, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат, таълим-тарбия ва бошқа соҳаларда мавжуд бўлган жиддий муаммолар ҳақида, мансабдор шахсларнинг одамларнинг ҳақиқий эътирозларига бефарқликларини тўғрисида ёзмоқдалар. Президент Шавкат Мирзиёевнинг вилоятларда турли касб эгалари, оддий одамлар, катта ҳаёт йўлини босиб ўтган нуронийлар билан учрашувлари, видеоселектор йиғилишларида ҳаётимиздаги кўплав нуқсонлар, кўзбўямачиликлар, сохта ҳисоботлар, жиноий хатти-ҳаракатларни хаспўшлаш, меҳнатқашларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини менсимаслик каби номтаъбиб иллатлар очиб ташланди.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакат Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқида одамлар, энг аввало, турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонунга зид бўлган қўллаб-қўллаш йўриқномаларини бекор қилиш, ставкаси оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича нотиб, у ерда ҳаёт даражаси қандайлиги, матбуот нашрларида қандай ахборот тарқатилаятгани, дунёда, ёндош минтақаларда кечаётган жараёнлар қандай шарҳланаётгани, одамларнинг фикрига нечоғли ўрин берилаятганига қараб, шу мамлакат, шу жамият ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўламиз, фикрли шаклланади. Чунки жамият қандай бўлса, унинг матбуоти ҳам шундай бўлади. Демак, матбуотнинг мавқеи, таъсирчанлиги ва самарадорлиги, халқ кўнглининг ифодачилиги айланиши фақат бунинг учун зарур бўладиган шарт-шароитларнинг, масалан, қонунчилик базасининг мавжудлиги билангина эмас, энг аввало, бундай мавқега кўтарилиш учун ҳо-ҳиш-истак, ҳаракат, яъни ижодий журъднинг бор-йўқлигига кўпроқ боғлиқдир. Бошқа соҳаларда бўлгани каби, матбуотда ҳам ошқора ёзиш имкониятининг мавжудлиги муҳим, аммо бу имкониятдан тўғри, унутили, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш янада муҳимкор.

Ўйлаб кўрайлик: матбуотимиз наҳотки бу камчиликлардан, чунончи, аёллар ва ўсмирлар орасида жиноятчилик кўпайиб бораётгани, тиббиёт муассасаларида, айниқса, туғуруқхоналарда поракорлик авж олгани, пулли ва пулсиз хизматларнинг фарқлаб бўлмалиги, ҳуқуқ-тартибот органларининг айрим ҳодимлари жиноятга қўл ураётганидан беҳабар бўлса? Бу ҳақда биринчи бўлиб бонг уриш, ўзига билдирилган ишонччи оқламай, қингир йўللарга қириб кетган раҳбарларнинг қирққорларини, пенсия таъминоти, савдо-сотик соҳасидаги товламачиликларни фош қилиш, давлат мулкнинг талон-тарож қилиниши, бюджет маблағларининг мақсадсиз ишлатилишига мурасасизлик оммавий ахборот воситаларининг бирламчи вазифаси бўлиши керак эмасми? Мамлакат Президентини порталига жуда қисқа вақт ичида келиб тушган шикоятларнинг сони ва мазмуни бу борада матбуотимиз маълум маънода оқсатганидан далolat беради.

Биргина мисол. Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистондаги учрашувлари чоғида бундай ташаббус ҳориждан катта маблағ ҳисобига сотиб олинган замонавий техника воситалари очик ҳавода занглатгани кескин танқид қилинди. Ишончим комилки, бундай нохуш ҳолатларга мамлакатимизнинг бошқа туманларида ҳам дуч келиш мумкин. Ички ишлар органлари фао-

лияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари билан боғлиқ масалаларни кечиктирмасдан ҳал қилиш лозим бўлган бугунги кунда эскича фикрлаш, ишни эски "қолип"лар асосида ташкил қилиш, ўз бурчини элга хизмат тамойилига асосланиб эмас, балки шахсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бажариш каби амалиётлар давом этаётгани, ўғрилик ва фирбогарлик билан боғлиқ жиноятларнинг ҳар бештадан биттаси фош этилмаётгани, қидирувда бўлган аксарият шахсларнинг қўлга олинмаётгани айтиб ўтилади. Бу ҳолатлар ҳам наҳотки, матбуотнинг жойлардаги мухбирлари эътиборидан четда қолган бўлса?

Ҳаётнинг бугунги тезкор шиддати, дунёнинг мислсиз даражада ўзгариб бораётгани ўз касбининг фидойилари бўлмиш журналистлардан ижодий малака ва маҳоратларини, хабардорлик даражаларини муттасил равишда ошириб бориш, зукко ва қуноқчан кузатувчи айланиши, кичик бир муаммога ҳам бефарқ бўлмасликни, мамлакат, миллат, жамият олдида турган энг муҳим вазифаларни теран идрок этишни талаб этади. Нашр билан газетхон ўртасида ўзаро ишонч кўприги, ошқора ва самимий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлса, юқорида зикр этилган нуқсонлар хусусидаги хат-хабарлар тахрирларига оқиб кела бошлайди. Уларни жиддий ўрганиш, қайси вилоят ёки тумандан қандай мазмундаги шикоятлар келаётгани, уларда қайси мавзулар устуворлик қилаётгани, одамлар кўпроқ нимадан ва қимматдан норози бўлаётганини аниқлаш ва шунга яраша ижодий режа тузиш гоят муҳимдир. Чунки, мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги, қонунларни билмаслиги ёки уларга билиб туриб ҳам итоат эмаслиги жамиятнинг бундан буюн тараққий этиши, жадвал ривожланиши учун жиддий тўсиқ-ғов бўлиши аниқ.

Харакатлар стратегиясининг ҳар бир йўналиши бўйича махсус режа асосида туркум таҳлилий материаллар эълон қилиш, телекўрсатувлар ташкил этиш, фуқароларнинг муносабатларини эътиборсиз қолдирмаслик, тахрирларни почтасини доимий равишда мониторинг қилиб бориш, кўп шикоят келаётган туманларга бориб, аҳолини шу ернинг ўзида жамоатчилик вақиллари иштирокида ўрганиш, газетхонлар билан очик мулоқотлар ўтказиш, газета танқидига, журналистларнинг қонунда белгиланган ахборот олиш ҳуқуқига беппасандлик билан қараётган, соғлом танқид учун муҳбирларга тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилаётган мансабдорлар фаолиятига тегишли баҳо бериш лозим бўлади.

Матбуот жамиятнинг муҳим демократик институтларидан бири экан, эркин ва ҳолис минбар сифатида ўзини фаол жамоатчи назоратчи сифатида ҳам намоён этиши, бундай назоратнинг виждон ишига айланишида ташаббускор бўлиши керак. Шундангина бугун кўпчилик нашрларимизнинг доимий "бош оғринг" бўлиб турган обуна муаммоси ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади.

Аҳмадjon МЕЛИБОВ,
Ўзбекистон Миллий
университети доценти

ХАМКАСБЛАР

Салоҳиддин Сафаров фаолиятини 1965 йилда "Жиззах овози" газетасида мусахҳиқликдан бошлаган. "Ишни шу касб билан бошлаганингиз маъқул, нашрдаги барча гаплардан хабардор бўласиз, билимингиз, тасаввурингиз кенгайди, — деймиз биз талабаларимизга ва бир ҳазиломуз мисол-қиёс келтирамиз: "Бир ўзига тўқ, кўпни кўрган яхудий фарзандини тиббиёт олий ўқув юртига жойлаштирибди ва оталарча насаҳат қилибди: ўғлим, қулоғингга қуйиб ол, яхши ўқисанг врач бўласан, ёмон ўқисанг бош врач бўласан. Шу сингари яхши ўқисаларингиз мусахҳиқ бўласизлар, ёмон ўқисаларингиз бош муҳаррир бўласизлар".

ЖЕЛЛИҒУЛИЛИК ДАЛЛИҒУЛИ

Бу гаплар фаолиятини оддий фельдшерликдан бошлаб бош врачликкача кўтарилган шифокорлар, мусахҳиқликдан бошлаб бош муҳаррирликкача кўтарилган журналистлар хафа бўлишмас. Негаки биз билган бош муҳаррирларнинг аксарияти мусахҳиқликнинг ширин нониини еб, ўтиб кетган хатолар учун аччиқ-нордон танбеҳлар эшитиб шу даражага етишишган.

У 1968 — 1974 йилларда ишдан ажралмаган ҳолда ТошДУ журналистика факультети сиртки бўлимида ўқиб назарий билимларини ошириди, кўп дўст, қадрдонлар орттириди, пойтахт ижодий муҳитидан баҳраманд бўлди. Таржиман ҳолидаги баъзи саналарга эътибор қилинг: Сирдарё вилояти телерадио қўмитасида мухбир, Жиззах вилояти телерадиокомпаниясида катта муҳаррир, бош муҳаррир, раис ўринбосари ва раис, Ўзбекистон ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жағмармаси Жиззах вилояти бўлими раиси, "Жиззах ҳаёти" ва "Джизакская правда" газеталари бош муҳаррири ёритиб, эшиттириб, кўрсатиб борганини қувонч-қониқиб билан эслайди.

Кўп йиллик кузатишисиз, таассуротимизга кўра, раҳбар Салоҳиддин Сафаровда ташаббускорлик, тадбиркорлик, мақсад йўлида собитқадамлик, йўқни йўндириш, ҳодимларга ғамхўрлик, инсонийлик фазилатлари, шахсиятида самимийлик, меҳмондўстлик, чўртқесарлик, жиндай чапанилик сифатлари устувор эди. Теле ва радио студияларини биринчилардан бўлиб замонавий техника, жиҳозлар билан таъминлаш, газеталарга обунани ташкил этиш, адабини кўтариш, қозғоқ захираларини ғамлаб қўйиш, фаолларни муқофотлаб бориш, ҳодимларнинг тўй-маъракаларида бош-қош бўлиш, ўтин, кўмир, ун, туручгача ғамини ёйиш борасидаги сазй-ҳаракатларига ҳамкасбларининг ҳаваси келарди. Иш экан, хато, камчиликларга ҳам йўл қўйган, билиб-билимай қиминди қўнглини оғритган чиқар. Устидан ёзишлар, асабига тегишлар бўлиб тургани боиси шу бўлса ажаб эмас.

"Барака топкур танқидчиларим мени оғоҳликка, адашмасликка чорлаб турди, — деганди кулимсираб бир сўбатимизда. — Тўқсондан ошиб вафот этган отамнинг, болам, яхшилик йўлини тут, бировга ёмонлик соғинма, довнинг юришганда ҳаволаниб кетма, ғам-ташвишли кўнларда босиқ, бардошли бўл, деган ўйни доим ёдимда турди.

Жиззахдан чиқаверишда Желли-ғули деган қишлоқ келди. Унга бурилиб сал тепага қўтаришангиз кенг, файзли бир кўрғонга келасиз. Хонадон соҳиблари Салоҳиддин ва Ибодатхонлар борган меҳмонни очик юз билан кутиб олишди, тандирдан энди узилган бўрсилдоқ нонлар, томорқада етиштирилган турфа мева-чевааларни дастурхонга қўйишди, ширин гурунги беришди, Биз, пойтахтлик ҳамкасблар ҳам, бу уйда бир неча бор меҳмон бўлганмиз, тоғ бағрига чиқиб марҳум устозлари Насим Норов, Уктам Жавлонов, салоқатли шоғирдлари билан қизгин сўхбатлар курганмиз.

Меҳнат фахрийси Салоҳиддин Сафаров нафақага чиқиб вақтини ёнбошлаб ётиш, невараларини ўйнатиш, газета ўқиш, телевизор кўриш, бог-роқча, мол-ҳолга қараш билангина ўтказаятгани йўқ, маҳалла-қўй ҳаётида, жамоатчилик тадбирларида фаол қатнашиб, қадрдон ишхоналарига бориб, шоғирдлари, ҳамкасбларига, ҳорманглар деб турди. Қизиқ, шунча мақола, очерк, эссе, турфа материаллар ёзган, ҳодимларнинг китобларини чиқаришга бош қўйган ҳамкасбимиз ўзи бирорта ҳам китоб ёзмапти, сабабини сўраганимизда, "кўп китоблар чиққан, қанчаси ўқилмай ёттибди, менинг ёганимга қимнинг кўзи учиб турувди" деди камсуқумлик биланми ё ҳафсаласизлигини оқлаш учунми. "Вилоятингизни яхши биласиз, ўзингизнинг ҳаётингиз ҳам қизиқ, ибратли воқеаларга бой, ёсангиз мароқли, ўқишли бир асар бўлади, китобга муносабат ўзгараётгани, меҳр, иштиёқ кучаяётганидан хабардорсиз", деймиз етмиш ёшли "ҳаваскор" кескага.



Сайди УМР,
Хуршид ДУСТМУHAMMAД

ФАХРИЙЛАРДАН МАКТУБ

Мен умр бўйи "Давр овози" газетасида ишладим. Замондошларим, бунёдкорлик ишлари ҳақида мақола, репортаж, очерклар ёздим. Нафақага чиқганимга ҳам кўп бўлди. Ҳамон қаламим қўлимда. Ҳурдаги улкан ўзгаришлар, фидойи инсонларнинг олижаноб ишлари мақолаларимнинг мавзуси ва қахрамонидир. Бошқа фахрий ҳамкасбларим ҳам шундай.

Давлатимиз биз фахрийларни ҳамisha ардоқлаб келади. "Нуроний" жағмармаси тизимининг мукаммаллаштирилгани, бизга яна бир қанча имтиёзлар яратилганидан чексиз миннатдоримиз.

Бугун қўлимга қалам олишга Фарғона вилояти ҳокимлигининг ажойиб ташаббуси сабаб бўлди. Яқинда қадрдон тахриратимдан бош муҳаррир Олимжон Ҳасимов кўнгароқ қилиб, менга "Чимён" сўхатгоҳига бепул йўлланма ажратилганини ва ўзимга қўлай пайтда бориб дам олиб, соғлигимни мустаҳкамлашим мумкинлигини айтди. Бундай ғамхўрликдан бошим кўксига етди. Негаки, сўнги пайтларда оғимдаги оғриқ зўриққан, айнан "Чимён" сўхатгоҳидаги шифобахш сув унга даво эканини билардим. Сўхатгоҳга келсам, мен илгари бираланиб ишлаган ҳамкасбларим, бошқа шахар-туманларда меҳнат қилаётган иқтидорли журналистлар кўп экан. Кейин билсак, вилоят ҳокими

Шухратжон Ғаниев ташаббуси билан вилоят журналистлар ва ёзувчилар уюшмаларида қалам аҳлини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Чимён" сўхатгоҳига юзта бепул йўлланма ажратилди. Мана икки ойдири, бир эмас, ўн эмас, юзта журналист, ёзувчи, фотомуҳбир, телерадио ходими гуруҳ-гуруҳ бўлиб мазза қилиб дам оляпмиз. Бундай ташаббус тўғрисида соғлигимиз тикланиб-гина қолмай, руҳимиз тетиклашди. Шу ерда ҳам журналистика олдига турган вазифалар, жамиятда ёзувчининг ўрни, оммавий ахборот воситаларида ёшларни жалб этиш каби мавзуларда баҳс-мунозаралар қилимиз. Ҳамкасбларимиз ёзган долзарб мақолалар, асарлар муҳкамаси ўтади. Хуллас, ижодий муҳит ҳам давом этапти.

Биз, қалам аҳлига бўлган эътибор, ғамхўрлик учун давлатимиз, Фарғона вилояти ҳокимлигиндан чексиз миннатдоримиз. Ҳур равақни, халқ фаровонлигини, Ватан

манфаати йўлида биз журналист, ёзувчилар, барча ижодкорлар астойдил хизмат қиламиз.

"Чимён" сўхатгоҳида дам олаётган қалам аҳли номидан:
Эркинжон ИБРОХИМОВ,
"Давр овози" газетаси
собиқ бош муҳаррири.
Матлубахон АБДУРАХИМОВА,
"Марғилон ҳақиқати" газетаси фахрийси.
Қурбоний СУЛТОНОВА,
"Қўқон садоси" газетаси фахрийси.
Алишер ТОШКУЛОВ,
"Марказий Фарғона" газетаси
бош муҳаррир ўринбосари.
Содиқжон САЙФУТДИНОВ,
"Исфайрам" газетаси фахрийси.
Баҳодир ИСО, шоир

ЮЗ ИЖОДКОРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Кимёвий ювиш

Воситалари саломатликка зиёнми?

► ШАРХ ЎРНИДА

Бугун ҳеч бир аёл ўз ошхонасини замонавий идиш ювиш воситаларисиз тасаввур қила олмайди. Бир-икки томчи кимёвий восита ҳар қандай идиш-ни топ-тоза қилади. Уларни ишлатиш осон ва қулай. Аёллар идиш ювиш воситаларини сотиб олишда кўпроқ реклама қилинаётган воситаларга эътибор қаратади. Ҳозир маҳсулотни харид қилиш учун унинг нафақат нархи, балки қадоғи, фирмаси ҳамда ҳиди муҳим аҳамият касб этади. Аммо унинг қай даражада ўзи ва оила аъзоларининг соғлиғига таъсир қилиши ҳақида камдан-кам аёл ўйлаб қўради. Хўш, ОАВ, айниқса телевидение орқали реклама қилинаётган идиш ювиш воситалари ҳақиқатдан ҳам соғлиғимиз учун зарарлими?



— Кўпчилик идиш ювиш воситалари билан ювилган идиш-товуқни камида етмиш маротаба чайқаш зарурлигини билмайди, — дейди ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатининг Навоий вилояти бўлими раҳбари Ишмамет Тоғасев. — Аксари-ят ҳолатда восита таркибидаги зарарли кимёвий моддалар идиш ювганда қилиб, овқат билан инсон организмга тушади ва бир қанча оғир касалликларни келтириб чиқаради. Идишларни ювишга мўлжалланган воситалар кимёгарлар тилида юзанинг фаол моддалари (ЮФМ) деб аталади, улар катионли (КЮФМ), анионли (АЮФМ), амфотерли (АмФЮФМ), неоионгенли (НЮФМ)ларга бўлинади. Ушбу кимёвий бирикмаларни идиш ювганда ювиб тушириш анча қийин. Энди бир оиладаги идиш-товуқларни ювиш ва хавфсизлигини таъминлаш учун қанча сув кераклигини тасаввур қилинг.

Аввало, идиш гел билан ювилганда, сув томчиларида эриган, ЮФМ бўлади. Сув куйратган, мазкур моддалар идиш ювганини қоплайди. Биз идишга иссиқ овқат солганимизда, айнан ЮФМ овқатимизга қўпилади ва ёмак билан биргаликда организмимизга киради. Оддий ҳисоб-ки-тоб қилинганда доимий равишда кимёвий ювиш воситасидан фойдаланганда оилада ҳар бир киши йилга 200 граммга кимёвий ювиш воситаларини "ютади".

Сир эмас, бугунги кунда дунё аҳолисининг аксарияти, хусусан, юртдошларимиз ҳам турли хил аллергия касалликлардан азият чекади. Кўпчилик буни экологик вазиятнинг ёмонлашуви билан изоҳлайди, 70 фоиз аллергия ва бошқа касалликлар айнан ошхонамизда кимёвий идиш ювиш воситаларидан фойдаланиш натижаси эканини билмайди.

— Ҳозир нафақат катталар, айниқса болаларда намоеён бўладиган турли аллергия касаллик-

ларнинг келиб чиқиши кимёвий воситалардан турмушимизда кенг фойдаланишимиз оқибати-дир, — дейди шифокор Ленире Зупарова. — Оддийгина кимёвий идиш ювиш воситалари бунга мисол бўла олади. Уларнинг таркибидаги моддалар синтетик-дир. Кўпинча касалликларнинг бошланиши аллергия реакция сифатида намоеён бўлиб, ошқозон-ичак йўлининг саратони, гипертония, депрессия билан аюлланади.

Юқорида санаб ўтилган кимёвий моддалар идиш табиат учун энг хавфсизли хлоридир. У табиатда хавфсиз компонентларга парчаланади. Лекин шу "беозор" хлор ва унинг органик бирикмалари ҳам инсонга акс таъсир этиб, юрак-томир, атеросклероз, анемия, гипертония касалликларини келтириб чиқаради. Европа Иттифоқи мамлакатларида 1987 йилдан буён таркибда хлор бўлган идиш воситаларини сотиш тақиқланган. Мазкур моддалар инсон организмидеги ҳужайра мембранасини парчалайди, оқибатда иммунитет пайсилади, организмнинг турли касалликларга мойиллиги орттирилади. Чунки юзанинг фаол моддалари канцерогендир, яъни улар маълум шароитларда организмда саратон ва бошқа хатарли ўсmalar ҳосил қилади. Шунингдек, ошқозоннинг катламини емиради. Бирикмалар қонга сўрилиб аста-секинлик билан бутун организмни заҳарлайди. Фақат фаол моддалар эмас, идиш ювиш воситаси таркибидаги ҳид берувчи моддалар ва консервантлар ҳам инсон организмга салбий таъсир кўрсатади, бу ўз навбатида нафас йўллари касалликлари, астма-нинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Таркибда идиш ювиш воситаси бўлган оқова сувлар атроф-муҳитга ҳам катта зарар etkazadi. Оқова сувлар сув ҳавзасига тушганда, айнан уларнинг боққоқлашуви олиб келиб, жо-

ниворлар ва ўсимликларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Агарда идиш ювиш воситасининг таркибида анионли ЮФМ бўлса улар деярли парчаланмайди ва бошқаларига нисбатан инсон танаси ва экологияга уч баробар кўпроқ зарар etkazadi.

Бугунги кунда қатор хорижий мамлакатларда кимёвий идиш ювиш воситаларига қатъий талаблар қўйилмоқда. Масалан, Евроиттифокда махсус регламентта мувофиқ идиш ювиш воситаларининг ёрликларига товар ва унинг таркиби ҳақида тўлиқ маълумот берилиши зарур. Бундан ташқари баъзи бир ингридиентлар уларнинг концентрациясида қатъий назар санаб ўтилиши лозим. Мисол учун ҳид берувчи моддалар. Россияда 2010 йилда қабул қилинган техник регламентта мувофиқ, ювиш воситалари таркибини тўлиқ санаб ўтиш шарт эмас. Бундан самарали фойдаланган идиш чиқарувчилар аксарият ҳолатларда энг токсик ва заҳарли моддаларни "унутиб" қолдиришади. АҚШда "антибактериал" деган ёзуви бўлган кимёвий идиш ювиш воситалари билан биргаликда совунар, чўмилиш гелларининг сотиши тақиқланган арасида. Кўп йиллик тадқиқотлар уларнинг таркибидеги инсон соғлиғи учун хавфли бўлган 19 та компонентни топишди. Уларнинг энг асосийлари триклокарбан ва триклозан бўлиб, шу пайтгача мазкур моддаларга вирусли ва бошқа касаллик қаққувчи микроорганизмларни ўлдирди, деб қаралар эди. Антимикроб триклозан жигар ширрози ва фибрози келтириб чиқаришга қодирлиги эса яқинда аниқланди. Эксперт маркази раҳбари Жанет Вудокнинг фикрига кўра триклозаннинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўлиқ аниқланган. Хўш, нима қилиш керак? Биринчи гада ювиш воситаси инсон соғлиғи учун хавфсиз бўлиши зарур.

Россия Федерациясининг истеъмолчилар ҳуқуқлари ва инсон фаровонлигини ҳимоя қилиш соҳасини назорат қилиш федерал хизмати хорижда ва мамлакатда ишлаб чиқариладиган машҳур брендга эга Henkel, Procter & Gamble, Colgate-Palmolive, Werner & Mertz GmbH, The Clorox Company компанияларининг кимёвий ювиш воситалари сотилишини тақиқлади. Идиш ювиш воситалари ичидеги мазкур тақиққа идиш ювиш воситаси Fairy Platinum тушди. Ташкилот мутахассисларининг қайд этишларича, уларнинг таркибидеги мавжуд модда инсон ҳаёти учун хавфлидир. Шу сабабли албатта, сотиб олган ювиш воситасининг таркибини диққат билан ўқиб чиқинг. Унинг таркибидеги нималар бор? Мавжуд фаол моддалар юмшoқ-ми ёки қаттиқ? Албатта юмшoқ-ини сотиб олиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, идиш ювётганингизда гелни қанча ҳам ишлатсангиз, шунча соғлигингизга фойда. Идиш ювиш воситалари устига ёзилган "Глисеринли", "Терингизни ҳимоя қилади" деган сўзларга ишонманг. Бу реклама қармоғи. Албатта, идишнинг резина қўлқопларда ювиб, сўнг терини юмшoқ-тувчи крем суришни унутманг. Аммо идишларни кимёвий ювиш воситаларисиз ҳам тозалаш мумкинми?

Ҳозир барчамиз ўрганиб қолган, идиш-товуқлардан осонтини ёғни кетказадиган, инсон организмга зарар etkazмайдиган муқoб-ил идиш ювиш воситаси борми?

Албатта бор. Бунинг учун моларимиз тажрибасига мурожаат қилсак бўлади. Энг зарарсиз восита бу кул ва кир ювиш совунидир. Замонавий воситалардан уларнинг қаторига чой содаси, хантални қўйиш мумкин. Бездар идиш ювиш воситасини тайёрлаш учун кир совуни қирғичдан ўтказиб, уни шиша идишга жойланг, устидан ярим қути

чой содасини солиб, илиқ сувда ивтиб қўйинг. Бундай восита энг ёғли идишларингизни ҳам бир зумда тозалайди, муҳими у му-лақо безарар. Агарда тайёр ювиш воситасига ёқимли ҳид бермоқ-чи бўлсангиз, яримта лимонни сиқиб, сувини аралаштиринг.

Шунингдек, ёғли идишларни хантал кукунни ҳам самарали то-залайди. Бундан ташқари, хан-тал, чой содаси антисептик ху-сусиятга эга, яъни терингиздаги ҳар қандай микробларни ўлди-ришга қодир. Улар сувда эриб, атроф-муҳитга зарар etkazмайди. Сувни тежаш имконини беради. Агарда сиз тоғорача идишлар-ни ювсангиз ҳам, уларни таби-ий ювиш воситаларидан сўнг бир маротаба чайқаш қийоа.

Кимёвий идиш ювиш восита-лари фан-техника тараққиёти маҳсули. Биз ўз ҳаётимизни ен-гиллаштиришга ҳаракат қиламиз. Бунга эса ҳар қуни оммавий ах-борот воситалари томонидан ре-клама қилинаётган, "Бир том-чиси — сизнинг барча муаммо-ларингизни ҳал қилишга қодир" кимёвий идиш ювиш восита-ларини харид қилишга шўшланимиз. Ўйлаб қўринг-чи, бир томчиси ҳар қандай ёғни парчалайдиган геллар, сизнинг ичингизга кир-гач, наҳотки, жим турса? Ички аъзоларингизга, фарзандларин-гиз, яқинларингиз соғлиғига за-рар etkazмаса? Албатта, олим-лар хавфсиз идиш-товуқларни яратиш устида мунтазам иш олиб боришаётди. Масалан, швед олимлари ўзини ўзи тоза-лайдиган ликопчани яратишди. Олим ҳамда дизайнер Ханна Билквинсинг фикрича, идиш таркиби асосан целлюлоза ва ёғоч тўқималаридан иборат. Та-релка, шунингдек, осонгина шаклини ўзгартиради. Бундан ташқари у синмайди. Целлюло-за прелланиб, ёғоч тўқималари қўшилган материал ўта силлиқ ва супергидрофобдир. Овқат қол-диқлари силтаб ташлана бас. Унинг яна бир хусусияти, ли-копчага 3D-принтерда ўзингиз истаган суратни туширишингиз мумкин. Аммо кашфиётнинг нархи жуда қимматлиги боис ҳали сотувга чиқарилгани йўқ.

Бугунги кунда бир чайқашда юз фоиз идиш ювганда кетадиган арзон идиш ювиш воситалари сотувда йўқ. Демак, ҳар гал идиш ювиш воситасини сотиб ола экансиз, унинг неча фоизи сиз-ни, қанчаси эса атроф-муҳитни заҳарлангани яна бир ўйлаб қўринг.

Наргис ҚОСИМОВА

► БУ ТУРФА ОЛАМ

"БОИНГ"НИНГ ЯНГИ ЛОЙИХАСИ

"Боинг" компанияси Европада ўзининг биринчи корхонасини очишга қарор қилди.



Манбаларга қараганда, 20 миллион фунт стерлинг (25 миллион доллар) қийматидаги завод Буюк Британиянинг Шеффилд шаҳрида жойлашади.

Корхонада "Боинг-737" ва "Боинг-777" лай-нерлари учун қисмлар ишлаб чиқарилади. Даст-лаб заводда 30 киши меҳнат қилиши кўзда ту-тилган, 2018 йилдан сўнг уларнинг сони ортти-ши кўтилимоқда.

Ушбу лойиҳа, яъни Буюк Британия ҳудудида ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши харажат-ларни камайтириш ва сифат устидан назоратни яхшилашга хизмат қилади. Авиакомпания ушбу мамлакатда корхоналарини жойлаштиришга қарор қилган қатор йирик компаниялар сафига қўшилди.

ДЕНГИЗ ЧИҒАНОҚЛАРИДАГИ ГИЁХВАНД МОДДА

Америка-лик олимлар денгиз чиганокларидаги "Rg1A" моддаси қоралори ўрнини боса оладиган



огриқ қолдирувчи восита эканини аниқлашди. Қаламушларда ушбу модда синиб қўрилганда, таъсири уч қунгача сақланиб қолди.

"Rg1A" моддаси Кариб денгизидеги яшовчи йиртқич қориноқли моллюскалар заҳридан олинди. Ушбу бирикма огриқни ҳис этиш ор-қали зарарланган жойдан ишора беради. Нико-тинли ацетилхолинлар билан биргаликда аналь-гетика айланади ва гиёхванд модда хусусияти-ни йўқотайди.

Мазкур модда тўрт соатдан сўнг таъсир қила бошлайди ва 72 соатгача сақланиб туради. Олим-ларнинг фикрича, таркибидеги "Rg1A" мавжуд дори воситаси сурункали касалликларни даволашда қўл келади. Шу билан бирга, гиёхвандликка ружу қўйганлар учун қоралори ўрнини тўлдиршга хиз-мат қилиши мумкин.

ҲАЁТ НИШОНАСИ БОР САЙЁРАЛАР

Ердан 40 ёруғлик йили нарида мавжудот ашадийган учта сайёра борлиги маълум бўлди.



Олимлар мазкур сайёра-ларни Ковга юлдуз буржига кирувчи ва етти сай-ёра орасидан Ер ҳажмига тенг, деган хулосага келишди. НАСА илмий директорати раҳбари То-мас Цурбухнинг сўзига қараганда, етти сайё-радан учтасида ҳаёт мавжудлигига ишора бор. Биз ушбу янгилик билан катта муваффақиятлар қаршида турибмиз, дейди у.

Экзопланеталарни ўрганиш бўйича мутахас-сис, бельгиялик олим Михаэль Жийон эса ўша уч сайёрада суюқлик (ёки сув) борлигини тах-мин қилмоқда.

Олимлар уч сайёрадан "TRAPPIST-1"га энг яқини ўта иссиқ, энг узоқдагиси эса ўта совуқ-лигини аниқлашди. Аслида, олим Жийоннинг гу-руҳи ушбу сайёралар тизимини ўтган йили аниқ-лаган эди. Бельгиялик олимнинг баҳосига қара-ганда, бу 14 йил орасидаги энг аҳамиятли янги-лик бўлган.

Аввал "TRAPPIST-1" юлдузлар туркумида учта экзопланета бор, деб ҳисобланган. Ўтган йили июлда Массачусетс институтини вакили Жо-ульен де Вит шундай хулосага келган: агар олим-лар ушбу тизимда суюқлик (сув) борлигини аниқлашса, 10-25 йил орасида уларда ҳаёт мав-жудлигини кашф қилишга ҳам шубҳа қолмай-ди.

ФАЗОДА ЕТИШТИРИЛГАН МАҲСУЛОТ

Маъ-лумки, 1982 йилда "Союз-7" космик кемаси экипажи етиштир-ган биоло-гик ўсимлик фазодаги ilk маҳсулот эди.



"Веге" лойиҳаси эса НАСА томонидан орбитада сабзавот ва кўкатларни етиштири-ни тажриба қилиш мақсадида бошланган илмий тадқиқот ишидир.

Мана, мазкур тадқиқот натижасида халқаро космик станция экипажи аъзолари орбитада етиштирилган биринчи хитой қарамидан ҳосил олди. Маҳсулотни борт муҳандиси Пеги Уит-сон 17 февраль куни териб олган. Эндиликда космонавтлар ўсимликларни ҳам етиштириш-ни режалаштирмоқда. Барча ҳосиллардан на-муна олиниб, ўрганиб чиқиш учун Кеннеди номидаги Фазони ўрганиш марказига юбори-лади.

Тадқиқотнинг иккинчи қисми апрель ойидан бошланиши режалаштирилмоқда.

Интернет материаллари асосида Х.АХМАДЖОНОВА тайёрлади.

► ЖУГРОФИЙ САЁХАТ

Европанинги жанубий ғарбида, Пиреней ярим оролида жойлашган Испания мамлакатини ким билмайди, дейсиз. Испания таърифида жуда кўп гаплар айтиш мумкин, аммо биринчи навбатда у ўзининг қадим тарихи, гўзал ва бетакрор шаҳарлари, хушманзара ва хушхаво дам олиш ҳудудлари билан дунёга машҳур десак, асло муболаға бўлмайди.

Хусусан, мамлакатнинг ўрта ер денгизидеги Балеар (шу жумладан, Питиус), Атлантика океанидаги Канар ороллари жаҳон сайёҳларини ҳаминша ўзига оҳанграбдек тортиб келган. Шунингдек, бугунги кунда жаҳоннинг машҳур футбол клублари бўлган Реал (Мадрид) ва Барселонанинги ҳам бутун дунёда мухлислари борки, улар Испания ва испан халқини оламга танитди.


Мамлакат майдони жиҳа-тидан Европада етакчи ўрин-ларда туради ва 504,75 минг квадрат километрни ташкил этади. Испания аҳолиси 2013 йилги маълумотларга кўра 47 миллион 370 минг кишидан иборат. Мамлакат маъмурий жиҳатдан ўз ҳукумати ва пар-ламентга эга бўлган 17 мух-тор ҳудудга, улар, ўз навба-тида, 50 та вилоят (provincia)га бўлинади. Испаниянинг пой-тахти Мадрид шаҳри ҳисоб-ланади.

Испаниянинг амалдаги конституцияси 1978 йил 6 декабрдаги миллий референ-думда маъқулланган ва ўша йили 29 декабрда кучга кир-ган. Давлат бошлиғи — қирол

(1975 йил 22 ноябрдан Хуан Карлос I) бўлиб, унинг ҳуқуқи конституция бўйича қатъий. Атлантика океанидаги Канар ороллари жаҳон сайёҳларини ҳаминша ўзига оҳанграбдек тортиб келган. Шунингдек, бугунги кунда жаҳоннинг машҳур футбол клублари бўлган Реал (Мадрид) ва Барселонанинги ҳам бутун дунёда мухлислари борки, улар Испания ва испан халқини оламга танитди.

Испания субтропик мин-тақда жойлашган, Қирғоқ чизигининг узунлиги орол-лар билан қўшиб ҳисоблан-ганда 5 минг километрдан зиёд. Мамлакат ҳудудининг аксар қисми плато, ўртача баландликдаги тизмалар, яс-симогликлар ва пасттекс-ликлардан иборат. Платолар-нинг баландлиги шимол-ий ғарбда 800—1000 метрни, жа-нубий шарқда 500—600 мет-рни ташкил этади. Улар ўртасида жанубий-ғарбдан шимол-ий-шарққа қўзилган Марказий Кордильера тоғ тизмалари бор. Испаниянинг шимол-ий ғарбидеги Галисия массиви ва Леон тоғлари

Пиреней ярим оролидаги мамлакат



ҳамда Бискай қўлтиғи соҳи-лида Кантабрия тоғлари бор. Улар Пиреней тоғларига ула-ниб кетади.

Мамлакат шимоли ва ши-молий-ғарбидеги мўътадил оке-ан иқлими ҳукмрон, қиш юмшoқ, ёзи эса илиқ. Хо-ҳида январнинг ўртача ҳо-ра-ти 7—9°, июлники 18—20°. Мамлакатнинг қолган қис-мларида ўрта ер денгизига хо-с субтропик иқлими кўрамиз.

Испания дарёлари асосан ёмғирдан тўйинади, ёзда жуда саёзлашиб қолади. Йирик дарёлари: Тахо, Эбро, Гвадал-кивир, Дуэро, Гвадиана. Пиреней тоғларида 2000 метрдан юксакда ўтлоқли минтақалар жойлашган. Ис-паниянинг қолган қисмида доимий ям-яшил эманлар,

қарағай, сарв, каштан, заранг, липа дархтарли ўсади. Ма-млакатнинг чекка жанублари-да пальмазорлар учрайди. Ноёб ҳайвонлар ва таби-ий ландшафтни сақлаш мақ-садида бир неча миллий боғ ва қўриқхоналар ташкил этилган.

Аҳолисининг 3/4 қисми испанлар, қолганлари — каталонлар, галисийлар, баск-лар. Мамлакатда расмий тил — испан тили. Аҳолининг 78,4 фоизи шаҳарларда яшайди. Йирик шаҳарлари: Мадрид, Барселона, Вален-сия, Севилья, Сарагоса, Бильбао, Малага.

Юқорида айтганимиздек, Испания жуда қадим тарих-га эга. Бу ерда инсонлар Қуйи Палеолит давридан

бўён яшаб келди. Жумладан, Леридадан Кадисгача бўлган ҳудудларда мезолитга оид қоятош суратлари қўлпаб то-пилган. Миллодан аввалги VII асрдан бошлаб Испания-нинг жанубий ва шарқий со-ҳиллари финикияликлар ва юнонлар томонидан ўзлаш-тирила бошланган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

НОШИҲУКУРЛИК КАСОФАТИ

► ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

Мусофир юртининг ҳавоси, сувию тузи томоғинга тегилиб ўтаркан. Унинг тўрт девори, ҳисси хоналар, бу ерга ҳузур-ҳаловат излаб келган одамларнинг ҳеч нарсани англаб бўлмайдиган маънос нигоҳи юракни ғашлайди.

Кучадан эшитилаётган шовқин-сурон, оломоннинг ваҳима-ли ҳайқирғига кўника олмаган Малоҳат фарзандларини маҳкам кучоқлаганича, бу кўргуликлар туташидан умидини узмай, "Илоҳо, тинчлик бўлсин! Бу ерлардан эсон-омон ўз юртимизга келиш насиб этсин", дея уйга толади. Шу ерга келгандан буён қўл-оёқлари титрайдиган бўлиб қолган. Нега бу юртининг одамлари бунчалик бегона, уруш-жанжалга мойил? Каттаю кичик кун бўйи кўчада, қўлга лач қелган нарсани ушлаб, тенгирайди, посбонларнинг қаршичилигига парво ҳам қилмайд.

Олатасир митингда қатнашаётганлар ичида онасининг этагини маҳкам тутиб олган жажжи қизалоқ нималар бўлаётганини тушунмай, қўрқувдан дағ-дағ титраб, йиғларди. Унинг кўзларидан ҳавотир-бир-бирларига нафрат, тажовузорлик кўзи билан боқётган оломоннинг хатти-ҳаракати нисбатан норозилик эди десак, тўри бўлади. Афсуски, бунга катталар тушунишмаётган эди.

Тинч-тотув ҳаёт, оёқиниш турмуш, оқибатли одамлар қадрини Малоҳат шу ерга келиб тушунди. Турмуш ўртоғи Акмал билан яшаб турган шароитдан кўнгли тўлмай, Европада ишлаётган қариндоши билан интернет орқали боғланиб, улар ҳам чет элга ишга отланишди. Ҳуё самолёт қанот қоқиб, уларни орзулар мамлакатига олиб борди-ю, у ерда барчаси рисоладагидек, маънафакатсиз, тўқин ҳаёт кучоқ очиб қўйиб олаётган эди. Уларни Швецияда иззат-икром билан қаршилаган қариндоши уйда бир ҳафта меҳмон қилиб, сўнг меҳмон аста мақсадга ўтди:

— Э, қариндош! Ваъданимизга вафо қилиб, сенга иш топиб

қўйдим. Ойлиги яхши, оиланг билан ишхонанинг ўзида яшайсизлар. Маошингдан ушлаб қўлишди. Паспортингизни берсангиз, расмий ишларни ҳал қилсам, — дея ҳужжатларни йиғиб олиб ташқарига чиқиб кетди.

— Барака топсинлар мулла акам, бу яхшиликларини ҳеч қачон унутмаймиз, — деди Малоҳат қувончини яшира олмай.

— Шошманглар, ҳали улғурасизлар. Аввал жойлашиб олинг, кейин қанча раҳматингиз бўлса қабул қилаверамиз, — дея ўзини камтар туттишга уринди меҳмон аёл.

Кечки пайт меҳмон кўчадан ҳовлиқиб кириб келди. Ранглар оқарган, тутила-тутила:

— Уагинам, ишлар пачава! Ҳамма ишни битириб келатгандим, қарандилар безорилар йўлимни тўсиб, сумкамни ўғирлаб қочди. Энг ёмони, паспортлар ўша ерда эди, — энтиқиб, зўрга гапирди у.

— Энди нима бўлади? Паспортсиз қандай ортга қайтамиз? Тақдиримиз нима бўлади? Ойламинг аҳволи-чи? — дея Акмалнинг тинчи йўқолди. Саросимадан ўтакаси ёрилаётди. — Бегона юрда энди бизга ким ёрдам беради? Ким бизни тушунади?

Ҳаммаининг боши қотган. Меҳмон ҳар гапида ўзини айблаб, сукунади. Ҳуё бир илож излаётган кишидек кимлар биландир қўнғироқлашиб, маслаҳат олмақчи бўлади. Ҳаял ўтмай, уйга бир бегона киши келди. Қария бўлса-да, башанг кийинган, кўзойнакли, қўлида портфели бор. У афтидан меҳмоннинг яқин таниши бўлса керак. Кўчюқ очиб, аллақайи тилда саломлашди. Сўнг шошилиб иш кабинетига кириб кетишганча, чорак соатдан сўнг яхши қийинатда хайр-хўшланди.

— Энди бундоқ, укажон! Омадимиз боракан. Ҳозир ке-



— Қачонгача шу каталадек ҳовлида овсинларим билан яшайман? Уч бола билан икки хонали уйга ситиб бўладими? Ҳадемай болаларимиз бўй қўзиб қолади. Топиш-тутинишнинг тайини йўқ...

либ кетган киши ишимизни ҳал қилиб берадиган қўрилади. Насиб этса, шу ерда қолиб ҳам ишлайсиз, ҳам вақти-соати етиб уйингизга қайтасиз!

— Тўшунмадим, бу билан нима демокисиз? — ҳайрон бўлиб сўради Акмал.

— Ҳаммаси яхши бўлади, агар гапларимни яхшилаб тинглаб, рози бўлсанг, қийинчиликлар ортда қолди дейар. Худо деган одам экансан, яхши тақлиф бор сенга, — дея меҳмон Акмални янаям руҳлантirmoқчи бўлди.

— Айтaverинг, ишим ўнгланса бўлди. Барига тайёрман, мен нима иш қилишим керак? — Бояги дўстим ишончли одам. Ҳақиқий паспортингиз тиклангунча, сохта паспорт билан Норвегияга жўнайсиз. У ерда шу киши сизларни қутиб олади, иш, уй билан таъминлайди. Аёлингиз билан воёга етмаган фарзандларингиз хавфсизлигини ўз ҳимоясига олади, — дея содда одамларни ишонтирмоқчи бўлди меҳмон.

— Майли, розиман, — деди Акмал. Чунки бошқа чораси ҳам йўқ эди.

Малоҳат бундан бир йил олдин қариндошининг уйда бўлиб ўтган ушбу суҳбатни ҳар гал эслаганича кўсига найза санчилгандек бўлади. Наҳот, бу ишга найранг аралашганидан сўнг яхши қийинатда хайр-хўшланди? Қани эди бари туш бўлса-ю, уй-ронганида эри ва фарзандлари

билан аввалгидек ўзларининг ишона ҳовлисида, энг асосийси, Ватан бағрида бўлиб қолса. Ўз юртининг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб яшашга нима етсин! Вақтини ортга қайтаролганида, хатоларидан сабоқ чиқариб, барига шукр қилган бўлармиди. Ношуд бўлмаганида шу кўйга тушмасди. Барига ўзининг шошқалоқлиги сабаб бўлди. Охириги пайтлар эрининг бошини оғритиб юборганди.

— Қачонгача шу каталадек ҳовлида овсинларим билан яшайман? Уч бола билан икки хонали уйга ситиб бўладими? Ҳадемай болаларимиз бўй қўзиб қолади. Топиш-тутинишнинг тайини йўқ, — дея тинимсиз дийди қилари Малоҳат.

— Ҳу, нима дейсан? Қозонинг қайнаб турган бўлса, уст-бошинг бут, фарзандларимиз саломат, сенга яна нима керак? Бунчалар ношукур бўлма, хотин! Ҳаммаси яхши бўлади, ҳаётимиз ҳали олдинда. Эрак кишининг боши омон бўлса, дўпти топилади. Фақат сабр қил, — тушунтиришга уринарди Акмал.

Хуллас, у деб қўрди, бу деб қўрди, аммо Малоҳат хархаша қилавериб, эрини қўндрди. Ўзга юртга, бегоналар орасига бир ўзини юборгиси келмади. Алалоқибат сафарлари бошга битган бало бўлди. Нени орзулаб йўлга тушишди-ю, кўзлаган манзиллари не бўлди?!

— Вазият шунга тақозо этипти, сохта паспорт билан бу ерда қонуний ишлаб бўлмайди. Асл паспортингиз тиклангунча, Акмал, сен вақтинчалик резина, бакалашка териш билан шуғулланасан. Фақат махсус уй-чаларда тунашингга тўри келади. Бирга яшамасангиз ҳам қўришиб туришга имконингиз бўлади. Малоҳат синглимиз кичкинтойлар билан бошпанасиз қолмаслиги учун бир чол туралитан хонадоннинг хизматини қилиб юради. Болаларингиз ҳам ўша ерда хавфсизроқ бўлади, — дея қариндош меҳмон эр-хотинни кўзойнакли танишига топшириб юборди.

Бир неча кундан сўнг кўзойнакли киши кўмағида сохта паспортлар билан айтилган шаҳарга етиб келишди. Келишувга қўра, Акмални бутунлай бошқа ерга, рафиқаси Малоҳат билан фарзандларини бошқа жойга қўлади. Бир ой ичида паспортларини тўрилай беришга ваздаллашиб, Малоҳатнинг тилда буюмларини харажатлари эвазига олди. Аммо Малоҳат айтилган жойга ишга жойланмади. Кимсасиз, эгаси йўқ, қаровисиз квартирга бошлаб келган кўзойнакли одам ўзининг тилида бир нималарни тушунтирган бўлди-ю, чиқиб кетди. Эридан эса дом-дарак йўқ. Уни ҳам аллашган қўрилади. Кимга, қарга мурожаат қиларини билмай, қилиб қўйган ишига минг пушаймонлар еди.

Ҳа, мусофир юртининг ҳавоси ҳам, суви ҳам томоғиндан тиқилиб ўтаркан.

Минг тунингнинг билан ҳазм бўлмай, ичингда қолиб кетаркан. Мусофирликда чин дилдан қувонувчи, ҳамдард бўлувчи бир меҳрибонни тополмас экансан. Ёнингдаси ҳисси, бепарво, қўзларидан нафе ёниб турган кишиларга ҳаётининг бахшида этиш нақадар оғир жазо. Аммо минг пушаймондан бир нақалик наф йўқ. Малоҳат бунга ўзини кўзойнакли чол қўчоғида қўрган биринчи тундаёқ тушунган эди...

Дилдора ИБРОҲИМЗОДА

► БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Айрим сабабларга қўра, никоҳимиз, фарзандларимизнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома-ларга шикаст етказиб қўйди. Айтинг-чи, бундай ҳолларда такрорий гувоҳнома олишимиз мумкинми?

Тошкент шаҳридан
Элимуродовлар оиласи

— Албатта, йўқолган ҳужжат йўқолганича, шикастлангани фойдаланишга яроқсизлигича қилиб кетавермайди. Бундай муаммони ҳал этиш учун яшаш жойингиздаги ФХД бўлимига мурожаат қилиш керак.

Далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси сақланаётган ФХД бўлими томонидан манфаатдор шахсларнинг аризаларига қўра ва тегишли далолатнома ёзувлари асосида такрорий гувоҳнома берилади. Туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар фуқаролик ҳолати далолатнома ёзуви қайд этилган тегишли шахснинг ўзига, унинг ота-онасига ёки давлат нотариал идорасида қонуний тасдиқланган ишончномалар асосида бошқа шахсларга, ўлим ҳақидаги такрорий гувоҳномалар эса марҳумнинг яқин қариндошлари ва меросхўрларига, шунингдек, нотариус томонидан тасдиқланган ишончномага эга бўлган қонуний вакилларга берилади. Никоҳ қайд этилганлиги тўғрисидаги такрорий гувоҳномани фақат никоҳланган шахсларнинг ўзлари олишга ҳақлидирлар.

Такрорий гувоҳнома олиш тўғрисидаги аризада гувоҳнома қандай сабабга қўра талаб қилинаётганлиги кўрсатилиши керак. Такрорий гувоҳнома фуқаро мурожаат этган кунгидея берилади.

Агар такрорий гувоҳнома сўраб мурожаат этилган ФХД бўлимида тегишли далолатнома ёзуви йўқ бўлса, ФХД бўлими аризани ва далолатнома ёзуви йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома шаҳар, вилоят ёки республика ФХД архивига тегишли текширув ўтказиш ҳамда такрорий гувоҳнома бериш учун юборди.

Такрорий гувоҳнома олишда ариза берувчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши шарт.

Саволга Оҳангарон тумани 1-ФХД бўлими инспектори
Севара ДЕРЖОНОВА жавоб берди.

— Икки нафар воёга етмаган фарзандим бор. 3-гуруҳ ногирониман. Собик турмуш ўртоғим хасталикдан вафот этди. Улимидан олдин барча мол-мулкни отасига васият қилиб қолдирди. Болаларимга отасининг мол-мулкдан ҳеч нарса тегмайдими?

Тошкент вилоятидан
У.Шодиева

— Фуқаролик кодексининг 1142-моддасида, меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унда мерос қолдирувчининг воёга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эр ёки хотин ва ота-онаси, шунингдек, уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегишли лозим бўлган улушнинг қисмида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар деб кўрсатилган. Демак улар ҳам қонун бўйича, ҳам васият бўйича ворислик ҳуқуқининг субъектлари таркибига кириди.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр

бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарсаси, шу жумладан, оддий уй жиҳозлари ва рўзгор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг фақат мажбурий улушдан ортқича қисмига нисбатан ҳақиқий ҳисобланади.

Демак, фарзандларингиз отасидан қолган мол-мулкдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга.

Саволга Олмалик шаҳар ДНИ нотариуси
Гузал ИСОҚЖОНОВА жавоб берди.

► ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

Ёзда аралаб кишга ғамлаган ўтинларни ўчоққа мослаб ёриш учун ҳовлига чиқдим. Киш қорсиз, аммо қора совуқ зўр эди. Ишга берилиб кетиб жиққа терга ботибман. Бир зум нафас ростлашга ўтирганимни биламан, вой-вой белимлаб икки букчайиб қолдим. Белимни совуқ олдириб қўйдим шекилли, турсам ўтиролмайман, ўтирсам туролмайман. Ўтин ерда, болта кундада қолди. Зўрга кийиниб оилавий шифохонага бордим. Врачимиз аввал рентгенга тушинг деб, йўлланма ёзиб берди. Рентген хонасига борсам, "қоғози йўқ, агар икки минг сўм берсангиз ўзим учун асраб қўйганим бор, ўшанга белингизни расмини тушириб бераман", деди.

Айни киши имтиҳонлар қизган палла, чоп-чоп. Талабалар уйда ҳам тинч қўйишмайди. Бунга устига, қуни кеча навбатда сара-йиб, уч ой илгари иш ҳақини ярмини олиб, қасбдошим қиз узаётган эди — ёмоқчи қусмоғи бор — тўёнага берган, чўнтак қуруқ, пластик қарточкадаги маблаг эса рўзгордан ортмас, хотиним жонини берса берадими, уни ҳеч кимга ишонмас эди. Арзимас пулга қўқоқиб қолган маҳал, бу тараққиёт нишон-сининг иштирокидан хафа бўп кетасан киши. Хуллас, бел оғрини етмагандек, асаб ҳам бузилди. Ҳу, ана, икки минг топиб рентгенга тушдим дейлик, доктор ҳойнаҳой уни чироққа тутиб қўриб фалон минг сўмлик дори-дармон ёзиб берса, пушча пулни қаердан топаман?

Эмаклагандек базур институтга етиб олдим. Ўртоқларимдан маслаҳат сўрадим, балким чимқисиз тузалашининг йўли топилиб қолар?

— Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, — деди қасбдошим домла Акмалхон, — энг зўри, чумоли кислотасини спиртга аралаштириб белга суркаб, бойлаб ётинг. Эрталаб отдек гўлжинлаб кетаси!

Ўзим кимётар эмасамми, лаборатория шкафининг бир четиди алмисоқдан қолган озорқ чумоли кислотаси бор эди, уйга олиб келиб спиртага аралаштириб хотинга тутқиздим. У белимга суркаб, чойшаб билан ураб қўйди. Тун ярмигача аранг чидадим, шундай ачиша бошладики, худди ҳар бир мўйимни қир чумоли тиллаш тортаётгандек эди. Белимдагини ечиб бир четга улоқтирдим.

— Вой-бў, бир қават терингизни шилиб тушибди-ку! — деди хотиним ачиниб, — ким нима деса қилаверсанми? Шифокорга учран!

— Менга ақ ўргатма! Ундан қўра бирпас пуфла, босилаётми, — дедим.

Хотиним шилинган белимга бироз пуфлаб:

— Бўлди-ей, бошим айланиб, қўзим тинди, яхшиши еллий қолай, — деб газета билан елпишга тушди.

— Бўлди, тўхтат! Шамоллаб ўлишимни хоҳлайсанми?

— Нима қил дейсиз бўлмасам?

— Ё суркаб қўр-чи...

Тунни амаллаб ўтказиб, эрталаб ишга отландим.

— Ҳа, нафи сезилдими? — сўради ҳамдардик билан Акмалхон.

— Жа зўр экан, маза қилиб уқладим, — дедим энсам қотиб.

Дарсдан сўнг, ҳола ютган одамдек қилт этмай аранг зиналарни санаб тушаётгандим, синовдан ўтолмаган талабаларимдан бири йўлимни тўсди.

— Устоз, заҳёт топширмоқчи эдим...

— Бошқа кун келарсан, ҳозир мазам йўқ.

— Ия, нима бўлди, домлажон?

— Бел оғрипти, уйга бориб ётмасам бўлмайди.

— Мени дадамнинг ҳам белларида болдари бор эди, — деди у куйинчаки билан, — давоси жуда жўн нарсаси экан, ўшани қилиб қўрдингизми?

— Нима экан у? — қизиқиб сўрадим, зина тутқичига суяниб нафас ростларканман.

— Мен айтганидан нарсаси уйингизда бор, дўхтирга, табибга боришининг ҳолати йўқ, — деди у мени эътибор берганимдан хурсанд бўлиб, — пул ҳам, дори ҳам керак эмас, устоз!

— "Жуда менбон экан", деб ўйладим ичимда.

— Ҳуш, нима у, айт энди, — сўрадим оғриқдан тоқатсизланиб, — нима экан у зорманда?

— Домлажон... бутун заҳётларни охириги кун экан... сиз ташвиш чекманг, вапшем арзиманган нарсаси, уйингиздан топилади... олдин синовларни топшириб олай, уни нималигини албатта айтман, сиз қўрқманг, — деди у муғомбирона тиржайиб синов дафтарчасини очиб менга уза-тар экан.

— Ҳозир сендан заҳёт оладиган ҳолим йўқ, — дедим синовлар дафтарчасини нари итариб, — айтсанг айт, йўғасам йўлимни тўсма!

— Гап йўқ, устоз, менга сизнинг соғлигингиз керак! Ҳозир айтман... фақат... шундоққина синовдан ўтдинг деб, имзо чексангиз бўлди, ахир ҳеч қарга қочиб кетмайман-ку, устоз!

Йилда икки марта қўринадан бу устомон талабани бир эиби сувиғи ичмоқчи эдим-у, лекин бел жониворнинг азобидан тоқатим тоқ эди.

— Вой-вой-ей... айтасанми, йўқми?

— Майли, заҳёт қўймасангиз ҳам айтман, — деди тантилик билан талаба, сўнг шарт қўйди, — белингиз мен айтган доридан тузалса баҳоимни қўйиб берасиз-а?

МИСИ ЧИҚДИ



— Ҳуш, нима у, айт энди, — сўрадим оғриқдан тоқатсизланиб, — нима экан у зорманда?

— Эшак лойдан ўтгунча "ҳўн" деб турмасам, арзон дорини айтмайдиганга ўхшайди бу қув бола, деб ўйладим.

— Ҳу, келишди... ҳуш, нима дори экан?

— Олдий мис сим бор-ку, — деди у муҳим маслаҳат бераётгандек жиддий, — шунинг белингизга тўрт-беш айлантириб боғлаб юрасиз. Ҳа, қуруқ баданга, то қўм-қўқ қўқариб кетгунча турсин, ечманг...

— Шуми доринг? — бирдан туюқиб кетдим, — алдамчилик эми билан-де, Қолиров!

— Алдамчаним, устоз! Даламинг бел оғрини шундан тузалди, — ўзини оқлади талаба.

— Далам нима иш қилди? Электроманг'ерми, нима бало? — ҳафсалам пир бўлди. Икки қўлиб белимни ушлаганимча зинадан туша бошладим.

— Йўғ-е, дадам божхонада бошлик-ку, домлажон, билмасидингиз?

Тухтаб унга қарадим:

— А? Вой-вой-ей...

— Қўлтиқлаб оп тушай, устоз? — манзират қилди у.

— Э, бор, йўлингдан қолма, — дедим асабийлашиб. Талаба йилит ночор нари кетди.

Уйга етиб келгач ўйладим. Бир каттанинг, бир кичкиннинг гапига қир дейишган. Жонингдан ўтса ҳар нарсата рози бўларкансан. Қани, синиб қўрай-чи, нима қаромат қўрсатар экан, бу — сиз? Уйда бир ўрам жузволдиздек йўғонлик мис сим бор эди. Ким қўриб ўтирибди, кийимини тағида бўлса деб, унинг уч-тўрт қулоқчини ялонғоч белимга айлантириб ўрадим. Ҳар хил қўланса қилди суртмалардан яхши эди, биноқ бу "тилла" камарга ўргатгунча икки-уч кун қўйналдим.

Тузаладиган пайти келдим ё талабанинг гапига жон бор эканми, ҳайтавур белимнинг оғрини босди қолди. Кишти имтиҳонлар, синовларнинг қорозбозлигига, ҳисоботига шўнғиб белимга иллондек чўлганган бегона ашёга ҳам қўниқиб кетдим.

Эрта олиб ташлайман, индин олиб ташлайман, деб дилимга тутуб юрган кезларимдан бирида тўёна берган ҳамқасбим, бир тўп институт домлаварини Қозғистоннинг Чимкент шаҳрига — қудасиникига ошга бошлаб кетадиган бўлди. Шу десангиз тилла камар ҳам эслан чиқиб кетди. Ҳаммамиз хурсанд, тўй баҳона сайру саёҳат иштиёқида йўлга чиқдик. Гиштқўриқдаги янги божхона эди ишга тушган қушлар эди. Навбатда туриб қўшни давлатга кириш учун руҳсатнома олди, ҳамма бирма-бир магнитли дарвозадан ўтди. Мен ҳам камаримни, чўнтақдаги қалитлар ва қўл телефониمنى текширувчининг олдида қолдириб ўтдим.

Ҳеч кимга ёнмаган дарвозанинг қизил чироғи ёниб, қўнғиройи дунёга ҳар солиб жирингласа бўлармиди. Қўрқиб кетдим. Милиса сакраб туриб олдимга келди.

— Яна нима бор чўнтакда, дўда?

— Ҳеч нарсаси йўқ, болам, — дедим чўнтақларимни астарини агариб қўрсатар эканман.

— Қизик, — деди у, — қани, яна бир ўтинг-чи.

Институт домлаварини, қасбдошим, навбатда турган халойиқ хавотирланиб менга тикилишди. Юрагим пўкиллаб яна дарвозасидан ўтдим, қизил чироқ қарақлаб, қўнғирок баттар қичқириб юборди. Нариди турган икки-та милиса юғриб олдимга келишди.

— Дўда, пальто, қастомни ечинг-чи! — деди улар, — қўйингизда тилла-пилла йўқми, мабодо?

Тусатдан:

— Э-ҳа! — деб пешонамга шапати урдим, — ахир, белимга мис сим ўраганман-ку!

— Ана, домла, профессорларнинг аҳволи! — деб бақириб юборди милиса, — тўй баҳона ват

ЗУЛФИЯХОНИМ — моҳир публицист

ХОТИРОТ

“Тонг куйчиси” дея таърифланган атоқли шоира Зулфия фасохатли нотиқ ва маҳоратли публицист ҳамдир. У Ўзбекистон хотин-қизлари журнали “Саодат”да ўттиз икки йил мобайнида бош муҳаррир бўлган. Бу даврда журнал адабий ва ижтимоий муҳитнинг диққат марказида турган ва нуфузли наشرлардан бирига айланган. Зулфияхонимнинг турли йилларда chop этилган мақолалари, суҳбатларини муталоа қиларканмиз, публицист сифатидаги қиёфаси кўз олдимизда гавдалана бошлайди. Чунончи, у суҳбатлардан бирида муҳбир саволига жавоб бераркан: “Мен ташкилий ишларнинг ўзида ҳам иштирок этдим, публицист сифатида мақолалар ҳам ёздим, қолаверса, ёзувчиларнинг кўпдан-кўп анжуманларида шундоқ минбарга чиқиб ҳам гапирдим” дея ўз фаолияти ҳақида маълумот беради.



унинг публицистик руҳини теранроқ англаймиз. Мисол учун, шоира Олга Ипатова тайёрлаган “Юртим харитаси — менинг юрагим” сарлавҳали суҳбатда шундай савол ва жавоб бор:

— “Ўзбек шеърининг рус тилига таржимаси тўғрисида ва ўзингиз севиб таржима қилишни хоҳлаган муаллифлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Назаримда, ҳозирча биз ўзбек тилига яхшироқ таржима қилаётимиз. Лекин бизнинг асарларимиз таржимаси яхши деб айтолмайман. Таржимонлар бизнинг туйғуларимизни деярли билишмайди, сўзма-сўз ағдармалар асосида таржима қилишади, бу, албатта, сифатни туширади. Маънони тўла бериш у ёқда турсин, ҳатто шеърнинг жанрини, оҳанглигини ҳам бериш қўй-қилгайлик эмас. Бизда ҳозир таржима билан шугулланмайдиган шоирнинг ўзи йўқ. Ёш, истеъдодли таржимонлар совет ва ҳақон классикасидан тортиб, ҳозирги замон адабиётигача яқиндан танишиб, таржима қиладилар.

Абдулла Орипов Дантенинг «Илюхий комедия»сини таржима қилди. Ёте, Гейне, Байрон асарлари ўзбек китобхоналари-га етказиб берилди. Ёшларнинг муваффақиятлари бизни қувонтирди. Катта адабиёт билан ҳамкорлик ва яқин алоқа — шоир учун ҳақиқий мактаб демакдир. Ўзим ҳам шундай «мактаб»дан таълим олганман. Асосан, шоирларнинг таржима қилмаган — Леся Украинка, Сильва Капутиччи, Ольга Берггольц.

Бутунги давр назари билан қараганда, бир ҳақиқат савол туғилади. Ҳўш, Зулфияхоним истеъдодли қизларга ҳам ройиш бераверганми? Йўқ! Билмак улари Сўз ва санъатнинг гўзал бўстонида ақилнамаслик, гулни алафдан фарқолмайдиганларни қўққа кўтаравермаслик тарафида бўлган. “Зулфияхоним қизлари” деган ном ҳаммага ҳам насиб этмаганди. Шоирларидан бири Ойдин Ҳожиёвнинг “Тўрт танҳо” китобида шундай жумлалар бор: “1976 йил. “Саодат” журналига янги ишга ўтган кезларим. Навбатдаги сонга икки-уч ёш шоирларнинг шеърларини тавсия эттидим. Ишга келсам, столим устида бир даста шеърлар: таҳрир ҳам қилинган, мисрама-мисра таҳлил этилган, саҳифаларда савол атоматлар...

“Ойдинхон! Бу қизлар шеър нима эканлигини яхши тушунайдилар! Улар ҳали осмонларда юрибдилар. Ердати меҳнатдан, ҳаётдан мутлақо хабарлари йўқ. Бундай шеърларни менга тавсия этманг!” Сирасини айтганда, Зулфия Исроилова давр нафасини ҳис қила олган, ўткир нигоҳли публицист ва талабчан муҳаррир бўлган. Аммо, таассуфки, ижодкорнинг бу қирралари эътибордан бироз четда қолаётгандай. Ёш адабиётшунос ва талқинотчи-журналистларнинг бу борада ҳам самарали изланишлар олиб боришларига умид боғлаймиз.

Ситора ТОЖИДДИНОВА

МУТОЛАА

Кейинги пайтларда китоб ва муталоа ҳақида кўп гапирилатгани бежиз эмас. Интернет замонида китобнинг куни битишга йўл қўймаслик керак. Аммо ҳар доим ҳам юксак асарлар тугилавермайди. Таниқли шоир Олқор Даминнинг адабиётга муносабати баланд, ёзганларида буни билдиришга ҳаракат қилади.



Бутун умрини шоирлик деган улғу мартабага эришиш учун сарфлаган бедорлардан. Бунга қай даражада эришгани адабиётшуносларимиз ҳукмига ҳавола. Мен шоирнинг бошланғич синфлар учун мўлжалланган, бир неча минглаб нусхада нашр этилувчи “Она тили” ва “Ўқиш” дарсликлари ҳамда турли тўпламларга киритилган шеърларига эътиборини қаратмоқчиман: *Нам ўрик қоққан дам, “Ҳа, яшавор!” деб турдик. Тек турмадик бизлар ҳам Тушганини еб турдик...*

Бир қараганда, ўқилиши равон, содда ва самимий. Оҳангдор. Болалар ёнда тез қолади. Лекин Пулат Мўмин, Зафар Дийёр, Қудрат Ҳикмат шеърлари билан болалигимиз кечгани учун Олқор Даминдан ҳам “Ёмғир ёғалок” сингари руҳиятга яқин ижод намуналарини излаймиз. Яна бир шеърлар:

Ўзбекистон бол дийр, Ҳамма унга лол дийр. Юракларда бир умр, Чаман бўлиб қол дийр...

Олқор Дамин шеърларида соддалик ва болаларча бегуворлик, болалар руҳиятига яқинлик бор. Бу ижод намуналари кўпгина газета ва журналларда босилган, ҳатто алоҳида китоб ҳолида ҳам нашр этилган. Гап буларда эмас, шоир тинимсиз изланишда. Яхши асарлари билан китобхоналар қалбига йўл топиш учун қўлидан қалам тушмайди. Ўқийди, из-

ланади, ёздади. Лекин шоирликни пеш қилмайди. *Қаранг, Алим Салимининг Шоклодин еб қўйди. “Ким олди” деб сўрасам, “Кўрагим йўқ” деб қўйди.*

Бу мисралардаги болаликка хос соддалик ва айёрлик ўз йўлига, лекин ҳалоллик туйғуси бошқа нарса. Бу фазилат насихаттўйлик ёки каттазанглик билан эмас, шунчаки икки қаҳрамонни бир-бирига ўхшамаган фелъ-атвори орқали очиб берилган. Донишмандлар болаликда олинган билим тошта ўйланган нақшдай бир умр хотирада қолади, дейишади. Демак, болалар адабиёти ҳам шунга яраша бўлмоғи керак. Ҳўш, бутун болалар кимларни ўқияпти? Ҳеч бўлмаса, бу саволга болалар нашрларидан жавоб топа оламизми? Тополмасак ҳам газета, журналлар чиқиб ётибди, болалар дунёсига алоқаси бор, йўқ билан иши йўқ қалам-кашлар хом-хатала нарсаларини тўплашдан тийилгани йўқ. Шулар олдига Олқор Дамин кўзимизга юз чандон яхши шоир бўлиб қўринади. Асарлари дунё кезиб юрган Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон ва Турсунбой Адашбоев каби маҳоратли устозлардан ўрганадиган жиҳати қўлигини ўзи ҳам билади. Қутлуг ёш останада турган ижодкорга нима ҳам дердик, эътибордан қолмайдиган китоблар сонини қўпайтиринг...

Абдураззоқ ЮСУФ

ҲАР САТРАДА БИР ОЛАМ МАЪНО

ХАЛҚ ДОНИШМАНДЛИГИ

Ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари орасида мақоллар мазмунан халқ педагогикасини ўзида тўлиқ акс эттириши билан алоҳида эътиборга молик. Мақоллар халқнинг асрий тажрибаси, ҳаётий билимлари, яхши-ёмонни саралаб келган фалсафий хулосалари сифатида намоён бўлади. Мақоллар тузилишига кўра қисқа, фикрлар аниқ ва лўнда ифодаланган, мантиқий ҳамда киши ёдида тез сақланиб қолувчи, маълум кофияли шаклга эга ихчам фольклор жанридир.

Ҳар бир ҳолат, вазиятга мос мақол мавжуд. Сўзловчи нутқининг тингловчига аниқ етиб бориши ва ўзига керакли сабоқ олишида мақолларнинг хизмати катта. Эл орасида мақолларнинг пайдо бўлиши ҳақида ибратли афсона юради. Эмишкни, уч юз олтинчи донишманд бир жойга йиғилиб, ҳар бири биттадан мақол айтибди. Охири ҳақим нима деярини билмай: “Ҳазиллашма кўпга, ўтказадил чўпга”, деган экан. Бу афсонадан маълум бўлмоқдаки, мақоллар халқ донишмандлигининг меъасидир. Одамлар орасида ҳар бир гапини мақол билан безаб сўзловчи кишиларни қадимда “чечан”, “мақолчи” дейишган. Бундан ўн аср илари яшаган аллома Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида уч юздан ортиқ халқ мақоллари келтирилган ва уларнинг кўпи бутун ҳам маълум янгиланишлар билан қўлланилиб келмоқда.

Девонда: “Киши олasi ичтин, Йилқи олasi тоштин”.
Ҳозир: “Мол олasi ташиди, Одам олasi ичиди”.
Девонда: Ош тоғути — туз”.
Ҳозир: “Ошнинг таъми туз билан”.
Девонда: “Тоғ тоққа қовушмас, Киши кишига қовушур”.
Ҳозир: “Тоғ тоғ билан учрашмас, Одам одам билан учрашур”.
Девонда: “Эр сўзи — бир”.
Ҳозир: “Эрнинг сўзи — битта”.

Ушбу ҳолат мақолларнинг қадимий ва оммавий жанрлардан эканини кўрсатади. Фольклоршуносликда мақолларни маълум мавзуларга ажратиб chop этиш анъанаси мавжуд. Мақолларни мавзуга кўра таснифлашда уларнинг маъно қамровига диққат қилинади. Мақоллар эл-юрт, ватан ва ватанпарварлик, тинчлик-омонлик ва осийишлик, ер-сув, деҳқончилик, чорвачилик, меҳнат ва меҳнатсеварлик, дўстлик, аҳиллик, иттифок ва нониттифоклик, донолик ва донолик, ишқ-мухаббат ва гўзаллик, тўғрилиқ ва эгрилик, тозалик ва соғлиқ каби кенг мазмун доирасига эга. “Булбул чаманин севар, одам ватанин” мақоли ватан, ватанпарварлик мавзусини акс эттирса, “Бир йил тут эккан киши, юз йил гавҳар теради” мақоли аввало меҳнат ва унинг ордидан келадиган роҳатни ифодалаб келади, аммо маълум шарт-шароит билан боғлиқ кўча мазмун ҳам касб этади. Мақолларнинг матнда қўлма маънога эга бўлиши уларнинг бадиий қимматини оширади. Тилнинг чексиз маъно қатламларига эга экани намоён этади.

Мухтасар айтганда, сўз кўрки бўлиши мақолларда халқимизнинг билим ва тажрибалари, ҳаёт ҳақидаги фалсафаси тасвирланган.

Феруза ТУРДИМОВА,

ТАТУ қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси

Зулфияхонимнинг 1961 йилда ёзилган “Урашувлар — янги дунёга очилган деразалар” номли бадиий публицистиканинг ажойиб намунаси бўлган мақоласини ўқир эканмиз, унда муаллифнинг юрак зарбини, тиниқ овозини эшитгандай бўламиз:

“Яқинда мен яна бир дўст орттирдим. Тошкентдан жула узокда, Африканинг гарбида, Сенегалнинг бир кичик қишлоғида яшайдиган Умар Файе деган йигит бу.

Мен уни кўлдан бери танийман. Хурмо дарахтлари остида кичик бир гўшада тугилиб, дунёга келганидан хабар берган биринчи йиғисини ҳам эшитганман. Мен унинг бутун ўсиш даврини кузатиб бордим, у олдий қўнқда биринчи марта денгиз тўқинлари бўйига осилиб, балиқ тутта бошлаганда илк омадидан севиндим, бошқа Сенегал йигитлари билан урушга жўнаганида ҳаяжон ва кўрқин туйғулари билан кузатиб қолдим. Кейин у ўзи тугилган қишлоққа қайтиб келди, воёта етган доворак, жасур Умар ўз қишлоғида тузилаётган биринчи қишлоқ кўчаларига кўчма қўшма раҳбарлик қилди.

Кейин, кейин дўл жаласи савалаб турган қоп-қора бир тунда халқнинг дўшмани бўлган француз мустамлакачилари Умарни ўлдирдишди, халқнинг катта хурсандчилиги ёки бошқа оғир кулфат тушганидан хабар берадиган там-тамнинг юракларга кўрғошиндек тўкиладиган овози сенегал халқининг содиқ фарзанди — жасуратли Умарнинг дафи маросимида гамли ва исёнкор янгради — унинг овози ҳали ҳам қалбимни ўйиб кетаётгандек.

Лекин бундан бир неча ой муқаддам мен Умарни танимасдим. У севиб ўз жонини қурбон қилган ватани Сенегал мен учун анча ўзоқ эди. Ҳозир энди тўғ кўм-кўк осмонни ҳам, тупроғи ҳам, нур ва ҳарорат қўйнига ташлаб ёнадиган қўёши ҳам, иссиғи, мутасил ёғадиган ёмғирлари кийимла-

римдан ўтиб жон-жонимга сингиб кетаётгандек. Умарнинг қариндошлари ва дўстларининг таниш қиёфалари кўз олдимдан кетмайди, улар менинг ёнимда юртандек...”

Зулфия публицистикасида уруш ва тинчлик мавзуси муҳим ўрин тутди. Чунки у яшаган давр муҳити ижодкордан шунини талаб қиларди. Зулфия бу мавзуда ҳақон минбарларида туриб нутқлар сўзлади, баланд пардаларда шеърлар битди ва ёниқ юрак билан мақолалар ёзди. Жумладан, 1957 йилда ёзилган “Қоломбо қабутарлари” сарлавҳали публицистик мақола мана бундай сўзлар билан бошланади:

“Тинчлик ва биродарлик! Бизнинг замонамизда бу сўзларнинг тимсоли, ифодаси бўлиб тинчлик қабутарлари бутун жаҳон бўйлаб тилларда, дўстлик мактубларида ва кенг осмонда парвоз қилиб юрибди.

Шу йилнинг 10—16 июнида Жаҳон Тинчлик кенгашининг Қоломбода бўлиб ўтган сессияси қатнашчиларининг ҳам делегатлик белгиси шу қабутарлар эди. Бу қабутарлар Шри-Ланканинг қайноқ қўёши нурлари, мамлакатни ўраб олган Ҳинд океанининг тўқинлари нафасини ўзига сингдирган. Улар мамлакатдан мамлакатларга ўтиб юриб чиниққан, кучга кириб кетган қабутарлар эди. Жаҳонда тинчлик гоилари ҳам халқлар орасида борган сари мана шундай катта қанот ёзиб, қудратли кучга айланиб бормоқда”.

Муаллифнинг ижтимоий мавзуларда ҳам маҳорат билан қалам тебратгани, кенг дунёқараш эгаси бўлгани, умуминсоний масалаларни чуқур таҳлил қила олгани эътирофга лойиқ:

“Зўр бериб қуролланиш кўп мамлакатларнинг мустақиллигига путур етказди, чунки ҳарбий кўрпол базалари кўпинча бошқа қарам мамлакатларнинг ҳудудига қурилади, бу — мамлакат халқларига шу ерда бошланадиган атом урушида ҳаммадан олдин қурбон бўлиш хавфини туғдиради. Атом бом-

балари халқлар бошига қандай фалокат, мамлакатга қандай вайроналик етказишини Хиро-сима фожиаси бутун дунёга яққол кўрсатиб берди. Энди бундан буён бундай даҳшатли фожиаларнинг такрорланишига йўл қўйилиши асло мумкин эмас, инсоният тотув ва осийишга яшашни хоҳлайди, ўз ватани тупроғининг ноз-неъматлари билан тинч ҳаёт кечир-ишни истайди.

Ҳарбий шартномалар ва ҳарбий базалар инсониятга ривож ва тараққиёт, болаларга нон ва ёрқин келажак келтирма олмаслиги дунёдаги халқлар энди қаттиқ ишонадилар”.

Таъкидлаш жоизки, Зулфияхоним жаҳон адабиётидан, жумладан, қардош халқлар ижодида яхши хабардор бўлган. У Қорақалпоқ адабиётини ҳам кузатган ва юрагига яқин тутган. Унинг “Бир дарағини икки қирғоғи” номли мақоласини ўқиганда бу фикрга амин бўламиз:

“Адабиёт ҳеч бир даврда хотин-қизлар образисини яшамаган. Жумладан, қорақалпоқ адабиёти ҳам. Асарлари фақат Қорақалпоғистон ва Ўзбекистондагина эмас, Марказий Осиёнинг кўп китобхоналари орасида севилиб ўқилайдиган ёзувчилардан бири Тўлепберган Қайипбергеновдир. Мен бу улкан ёзувчининг ҳамма асарларини ўқиганман. Китобларининг қаҳрамонлари деярли аёллар. Аёллари қаҳрамон ва шиддатли бўлган ўлканинг йиғитларига сўз топиб бермоқ осон эмас!

Тўлепберган аёлларни достонларда қуйламайди, уларга нозик ишқий атамалар бит-лайди, муаллиф насрий асарларини адабий жанрларга қўйиб, қонларини ангиловчи кучига баробар алангаги меҳр ва маҳорат билан, газаб ёки ачинаш оташида ёниб ёзган учунми, унинг таъсир кучи баланд, сўз қудрати ва таъсирини юксак пардаларга кўта-ради.

Биз “Гумроҳлар” романида ўқиймиз:

— Она, она дейсан, қанақа она экан у? — дейди Эрназарнинг рақиб.

— Онам! Онам деганим — юртим деганим! — дейди Эрназар.

Устоз ижодкорнинг, айниқса, ёш шоирларни қўллаб қувватлагани, кўпларининг шеърларини адабий-бадиий таҳлил қилгани таҳсинга сазовор. Зотан, улғуларнинг башорати ёлғон бўлмайди, дейишади. Мисол учун, 1973 йилда ёзилган “Туйғун ўйлар, тошқин ҳислар қуйчиси” номли сўзбоши ўрнидаги мақолада бутунги кунда Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ижоди-га юқори баҳо берилган: “Асалда асалари бол терган боғнинг гуллари бўйини ҳис қиласиз, шунингдай, Ҳалиманинг шеърларини ўқиганда бошқа шоира — ҳамкасбларнинг шеърларига сира ўхшамаган жилава жанрларини эшитасиз, шодлик ва ташвишлари, ранг ва ҳидларини ҳис қиласиз. Улар сизларни тўлқинини чолғилар кесаётган бўлиқ бошқоқлар денгизига, отанинг қўёш ва йиллар жўяқлар солган пешонасига ўхшаган шудгорли дала-ларга, пичан ҳили аңқиган ҳовлиларга, қундуз телпақли, рашкли чавандозлар от ўйнатган қирларга олиб киради. Сиз у билан деҳқон уйи остана-дан бошланган кичик сўқмоқдан ялангоёқ йўлга чиқасиз. Ялангоёқ юришининг, ерни, она ерининг баҳри ва илқилиги берган ҳузурини ҳис қиласиз!”

Зулфия ёш шоира шеърларини таҳлил қилар экан, уларни юксак баҳолайди, аммо устозларча, оналарча маслаҳатини ҳам аямайди: “У темирқанот ҳамма ёш истеъдодларимиз сингари адабий жамоатчилик, китобхоналарнинг ардоқли назариди. Ҳалима бундан бахтиёр. Мен ўйлайманки, ҳаётда ҳам қалами, ҳам қалами жилди ўчунми, унинг таъсир кучи ёрқин туйғуси — истеъдоднинг оёғига болта урувчи бемаъни кибр офатидан омон сақлайди”.

Зулфияхоним билан қилинган суҳбатларни ўқир эканмиз,

ИЛМ САРАҲЛАРИДА

Публицистнинг вази-фаси — жамият-да юз беради-ган во-қелик-ларни

оммага ўқишли, қизи-қарли тарзда етказиб беришдир, дея ўқти-рарди устозларимиз. Бугун юртимизда амал-га оширилаётган ўзга-ришлар, янгиланишлар, турфа соҳаларда бўй кўрсатаётган ислохот-лар қалам аҳлига илҳом бағишлайди.

Бўлажак журналистлар учун қўлланма

Бироқ биз, журна-листлар мана шундай имкониятдан қанча-лик фойдалана олаёмиз? Жамият ҳаётидан орда қолиб кетмаёйми? Айниқса, ёш, ғайратли, халқона ибора билан айтганда, “тонин урса талқон қиладиган” қувватга эга навақирон ҳамкасблари-миз ўз бурчларини нечоғлик адо этишяпти? Ислохотлар моҳиятини оммага таъсир-чан усулларда етказиш маҳоратлари етарлими?

Мазкур йўналишда бўлғуси журналистларга сабоқ берадиган илмий-назарий асарлар эса афсус-ки, бармоқ билан санарли. Шунинг учун бу каби дарслик ва қўлланмаларга

ҳамлаша эҳтиёж сезилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий универ-ситети илмий ҳодими — илланувиши Тамара Маша-рипованинг “Публицистика назариясининг яхлит кон-цепцияси; назарий-методо-логик таҳлил (Қорақалпоғи-стон мабсуоти материаллари мисолида)” номли қорақал-поқ тилидаги монографияси (“Mumtoz so'z”, 2016) айни шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда яратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу моно-графияда публицистиканинг моҳияти, субъекти ва объекти, умумий ва хусусий методлари, функциялари, принциплари, публицистик асарлар мазмунининг элементлари, тили ва

услуби, жанрлари каби илмий категорияларидан иборат бўлган публицистика назариясининг яхлит кон-цепцияси ҳақида фикр юритилади. Публицист ким, у жамоатчиликка қандай таъсир этиши мумкинлиги ҳақида атрофлича фикр юритилган. Чет эл манбала-ридан ҳам ўринли фойдала-нилган.

Публицистика таҳлили мураккаб, чунки замона оқими тез-тез ўзгариб, баъзан жанрлар назарияси шаклланиб улгурмасдан, янгича ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Шу кунгача қорақалпоқ тилида ёзувчи публицистикаси, қорақалпоқ публицистик лирикаси ўрганилган, лекин унинг

назарий категориялари борасида бирон талқинот иши ўтказилмагани ҳам мазкур китобнинг қиммати-ни оширади.

Мазкур китоб мустақил-лигимиз даврида шакл-ланган журналистика илми — қорақалпоқ публицисти-касининг назарий талқини билан тўйинтирилган. Ўзбек ва қорақалпоқ публицистикаси қиёсий мисоллар билан ўрганил-ган.

Шу билан бир қаторда мазкур китобни Қорақал-поқ давлат университети журналистика бўлими талабалари учун муҳим қўлланма дея эътироф этиш мумкин.

Гўзал МАЛИКОВА

ИЛМИ МАЁҚ БИЛГАН АЖДОДЛАР

АСРЛАРНИНГ АСРАГАНЛАРИ

Мамлакатимизда илм-фан ва инновацион соҳаларни янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳани тубдан ислоҳ этилишида муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Тўрт минг йиллик тарихга эга жонажон ўзбек заминини ҳаётини янада ривожлантириш ва цивилизациянинг бешиги саналган. Бу элда тугилиб, камолга етган минглаб улўғларнинг мероси ҳали-ҳануз халқроқ жамоатчилик ҳайратига сабаб бўлаётир. Мамлакатимиз раҳбари Президент этиб сайланганларидан сўнг, биринчи бўлиб, айнан илм-фанда катта марраларни эгаллаган академиклар ва олимлар билан учрашгани бежиз эмас, албатта. Қарорда тарихи бир неча минг йилликни қамраб олган илмий меросимизни ривожлантириш ва илм даргоҳларини тиклаш, нуфузини оширишга алоҳида эътибор қартилган. Жумладан, қарорнинг 6-бандида Фанлар академиясининг Қорақалпоғис-

хукмдори Маъмур ибн Муҳаммад Хоразмий бир бутун давлатта бирлаштирилди. Умуман Маъмурийлар сулоласи илм, маданиятни қадрайди, маърифатпарвар ҳукмдорлардан эдилар. Улар мамлакат мустақиллиги, унинг иқтисодий ва маданий юксалиши учун саъй-ҳаракат қилдилар. Тез орада Хоразмдаги қадимий илмий-маданий анъаналарни қайта тикладилар.

Хоразмшоҳ Али ибн Махмур олимларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, уларга ғамхўрлик кўрсатган. Шу тариқа 1004 йил бошларида Хоразмшоҳлар пойтахти Урганчда «Дорул хикма ва маъриф» ёки бошқа манбаларда «Мажлиси уламо» номи билан аталган йирик илмий марказ шаклланди. Бу илмий муассасада худди Афинадаги Платон ва Бағдодда «Байт ул-хикма» Акаде-

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан мазкур илм ва маърифат масканига эътибор қаратилди. 1997 йил 11 ноябрда «Хоразм Маъмур академиясини қайта тиклаш ҳақида»ги фармон эълон қилинди. Мазкур фармонда илм-фан соҳасидаги қадимий миллий мерос асосларида юқори интеллектуал муҳитни яратишдаги бой анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш, ёш истеъодли олимларни излаб топиш, уларни Академия фаолиятига жалб этиш ва илмий ижодларининг самарадорлигини юксалтириш, халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш каби масалалар белгилан берилди. Хивада Маъмур академиясини қайтадан ташкил этилиши эндиликда Хоразмнинг сиёсий воқеаларга бой ўтмиш тарихи, юксак маданияти, илм-фани ва бошқа соҳаларини фундаментал тадқиқ қилиш имконияти вужудга келди. Академиянинг Хоразмда иш бошлаши тасодифий ҳолат эмас албатта. Бунинг учун бу ерда зарур бўлган моддий ва маънавий замин етилган эди. Маъмур академияси ўз фаолиятида Хоразмнинг минг йиллик илм-фан чашмаларидан маддат олади, уларнинг хайрли ишларини ворислик туйғуси билан давом эттиради. Президент фармонида бир неча ой ўтгандан сўнг Хивада махсус ажратилган муҳташам бинода академия ўз фаолиятини бошлаб юборди. Академия ҳаётини зарур бўлган учта бўлим яъни археология, тарих ва фалсафа, тил ва адабиёт, биология муаммолари бўлимлари ташкил этилди. Академияни етук илмий кадрлар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон миллий университети ва Урганч давлат университетларидан ҳамда бошқа илмий тадқиқот марказларидан юқори малакали мутахассис кадрлар ва олимлар хизмати тақдир қилинди. 2006 йил эса Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги ЮНЕСКО билан ҳамкорликда юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Бугунги кунда илмий муассасада 41 илмий ҳолим, жумладан, 7 фан доктори, 19 фан номзоди фаолият юритмоқда. Улар мамлакатимизда давлатчилик тарихи, бу заминдан етишиб чиққан олимларнинг жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, меъморий ёдгорликларни биологик, физик ва бошқа салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, воҳа шароитига мос қишлоқ ҳўжалиги ўсимликларини иқлимлаштириш, шўрланиш ва чўлланишнинг олдини олиш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Академия олимларининг изланишлари натижасида Хоразм вилоятида амарантнинг 4 тури ва соянинг 2 нави ўстирилди. Амарант биомассасидан сенаж ва силос тайёрлаш бўйича тавсиялар тайёрланди. Шунингдек, амарант уруғларидан крахмал олиш усули ишлаб чиқилди. Дуккакли дон экинларидан 11, полиз экинларидан 5, мойли экинлардан 4, юксак сув ўсимликларидан 3, техник экинлардан 6 та навлари қишлоқ ҳўжалигида қўлланишга тавсия қилинди.

Маъмур академияси олимлари Россия Фанлар академияси ва Қозғистон, Туркменистон олимлари билан Оролбўйи ҳудуди муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, аждодларимиз йўлини ёритган илм маёғи ўчгани йўқ. Улар қолдирган буюк ва бебаҳо мерос шундай халқимиз йўлини ҳамisha ёритиб туради.

Жобир ХўЖАҚУЛОВ



тон бўлими раиси, Хоразм Маъмур академияси раиси ва Фанлар академияси Навоий бўлими раиси ўз мақомига кўра Фанлар академиясининг вице-президенти таъинланди, дейилган. Бундан қўзғалган мақсад эса ҳудудларда илм-фан салоҳиятини тиклаш ва нуфузини ошириш борасида олиб борилаётган тизимли ишларни янги босқичга олиб чиқишдир. Хусусан, жорий йил 27 январда Президентимиз Хоразм вилоятига ташрифи давомида Хоразм Маъмур академиясининг бугунги фаолияти билан танишди. Учрашув давомида мамлакатимиз раҳбари академия фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ўз тавсияларини бериб ўтди. Жумладан, академияда эришилган муваффақиятлардан фойдаланиб, бу илмий муассасани сайёҳлик йўналишларига қиритиш, илмий тарихимизни чет эллик туристларга тарғиб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Тарихдан маълумки, Маъмур академияси Х-ХI асрларда нуфузли илмий марказ саналган. Хоразмда бундан минг йил аввал ташкил этилган Маъмур академиясининг тарихи барчамиз учун қизиқарли. Даставвал ушбу олимлар ва уламолар уйининг юртимизда бўлиши тарихи билан танишсак мақсадга мувофиқ. Солномалардан маълумки, Шарқнинг энг йирик илмий муассасаси «Байт ул-хикма» Бағдодда, IX аср бошларида вужудга келиб, X аср охиригача фаолият кўрсатди. У жаҳон цивилизацияси раванкига муносиб ҳисса қўшди.

VIII асрда араблар бутун Мовароуннаҳрни забт этишга муваффақ бўлдилар. Араблар истилоидан кейин 995-йилда Шимолий Хоразм

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-номшорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат гранти ажратилган «Утмиш улўғ халқнинг келажиги ҳам буюк бўлади» номи лойиҳаси асосида chop этилмоқда.

ЭЪЛОНЛАР

Олмасор тиббиёт коллежи томонидан Хўжаева Зиёдаҳон Абдуазизхўжа қизини 2016 йилда берилган К № 4473359 рақамли диплом йўқолгани тўғрисида

БЕКБОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳри, Сергел тумани, Қўйлик-5, 15-уй, 159-хонадонга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли

БЕКБОР ҚИЛИНАДИ.

FARRUXSHO DELTA GROUP

хусусий корхонаси масъулияти чекланган жамиятга ўзгартирилди.

Мурожаат учун тел: (90)970-34-96

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси Одибек Қайипбергенова волидаи муҳтарамаси

УМИТ онанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси Ахрор

Аҳмедовга отаси

Аҳмадхон

НАСИПОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, таниқли журналист

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗОВ

нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

бўлими: (0-371) 244-32-91

Самарқанд: (0-366) 233-62-12

Тошпириш вақти — 20⁰⁰ Тошпирилди — 20⁰⁰

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон

Журналистлари

ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва

ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4860 Буюртма — S-8356

Бош муҳаррир

Ўқтам МИРЗАЁРОВ

Техриратта келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88

Тел-факс: (0-371) 244-32-80

Реклама ва маркетинг

бўлими: (0-371) 244-32-91

Самарқанд: (0-366) 233-62-12

Тошпириш вақти — 20⁰⁰ Тошпирилди — 20⁰⁰

АРАФА

Қантар оғса, қозик устида қор турмайди, дейди халқимиз. Бу — кишининг ниҳоя топиб, табиат кўклар либосини эгнига олишга шайланаяпти, дегани. Ҳафта олдин ёққан қорнинг бир кун-ярим кун ичига эриб, она ер бағрига сингиб кетганини кўрган кексаларимизнинг: «Худойим кишини берди, насиб бўлса, баҳориниям берсин-да» деган сўзларида олам жаҳон маъно бор.



ҚАНТАР ОҒДИ...

Кор-ёмғирлар — барака тимсоли. Деҳқону фермерлар учун ўз вақтида ёққан ёмғирдан ҳам азизроқ неъмат бўлмас керак. Йилбоши арафасида барчамиз кўнглимизга эзгу ниятларни туққан, бисёр режалар тузатганимизда, зироат аҳли аллақачон ишга киришган бўлади. Ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа чопган фермерлар юзидаги ташвиш — сизу бизнинг дастурхонимиз тўкин, турмушимиз фаровон бўлиши йўлида чекилаётган захматнинг тилсиз ифодасидир. Насиб этса, кўкларми ташвишлар пишқичилик мавсумига бола, нурли табассумларга айланади. Омборлар тўлиб, хирмонлар уюлган дарахча машаққатлар унутлади, албатта...

Бир қориндан талашиб тушган кишининг табиатидаги ўхшашликдан баъзан ҳайратланамиз. Бу ҳам майли, бир-бирини умирида кўрмаган, дейлик, икки қитъада яшовчи одамлар фитратиди муштарак жиҳатларга нима дейсиз? Бу ҳам бўлса, одамзоднинг, у қайси миллат ё ирқ вакили бўлма-

син, илдири бир эканига далолатдир. Шунингдек, инсоний туйғулари оғса ер ва она табиатта боғлиқ жиҳатлари ҳам бениҳоя кўп. Бу ҳудди она билан фарзанд ўртасидаги илоҳий боғлиқлик, қўринмас ришталарга ўхшайди.

Айтишларича, бундан 16-17 йиллар бурун бир аскар Ватан ҳимояси йўлида шайх бўлибди. Уни туғилиб ўсган хонадонига олиб келишиб, ювиб, қафлангандилар. Майитнинг қўллари қаттиқ мушт бўлиб турган, уни очининг сира иложи бўлмабди. Бола бу дунёдан хотиржам кетсин, дея отаси, ғамгузор яқинлари шунча урини ҳам бунинг улдасидан чиқолмабди. Ана шунда марҳумнинг онасига, сиз бир урини кўринг, деб илтос қилишибди.

— Болажоним, жоним болам, — дебди оназор кўз ёшларини артиб. — Элдан хавотир олаётган бўлсанг, тинчлан, сафдошларинг ёни омон қўймайлар! Биздан хавотирланаётган бўлсанг, тинчлан, отанг ҳам, оғаларинг ҳам

омон-эсон! Мени ўйлаётган бўлсанг, кўзичоғим, хотиржам бўл! Мен сенга берган оқ сутимга мингдан-минг розиман! Фақат, болам, тинчлан, ором ол, қўлингни ёз, — дея марҳумнинг қўлини силаган экан, мўъжиза юз берибди: йигитнинг қўллари аста-секин ёзилиб, ўз ҳолига қайтибди...

Бугун қайсидир ўлкада ёнган рўй берса, қайси бир юртда тўфон кўтарилиб, сувлар тошса, табиат ўзини билмаган, ўз онасига озор беришдан тоймаган инсониятдан ўч олапти, деймиз. Йўқ, азизлар!

Она ҳеч қачон ўз боласидан ўч олмабди! Табиат, она ер ўз фарзанди бўлган одамзодга қасд қилмайди! Унинг меҳри қаҳридан устун, бугун биз экологияга, атроф-муҳитга қандай зарар етказётган бўлсак, ўзимиз жонимизга жабр-зулм қилаёلمиз, холос. Шамол — Аллоҳнинг аскарлари, дейилади ҳадисларда. Бўронлар, тўфонлар — буларнинг бари итоатсизлигимиз, узоқни кўра олмаслигимиз, она табиат-

га, она ерга қилаётган синамларимиз учун бизга юборилган шамоллар, оғохлантиришлар эмасмикан?..

Ҳа, табиат ва инсон — она-бола. Кўклар мана шу илоҳий боғланишни, ажиб муштаракликни эслатиб турадиган восита. Янгилашни, яшаришни айёми деймиз уни. Чиндан ҳам, «ҳар баҳорда шу бўлар такрор» — офтоб хут буржига ўтар экан, табиатдаги бу ўзгариш қалбимизга ҳам кўчади.

Яхши ниятли бобою момоларимиз «Бу йилмиз ҳам кут-баракали бўлсин! Деҳқонларимиз мўл-кўл ҳосил олсин! Элимиз дастурхони ҳамisha тўкин, уйларимиз фазли-тароватли бўлсин!», дея дуога қўл оқса, йигит-қизлар кўнглидаги тилаклар ҳовучга сиймайди...

Кўклар мана шундай фасл. Бу йилги баҳор ҳам дилингизга эзгу умидларни қадаб, муродингиз ҳамisha ҳосил бўлишини тилаймиз.

Элмурод НИШОНОВ

ТАДБИРКОРЛИКА ҚАДАМ «АСАКА» БАНК БИЛАН!

БИЗНЕСИНГИЗ УЧУН

20 дан ОРТИҚ

ЙЎНАЛИШЛАРГА

МИКРОКРЕДИТЛАР

ASAKA BANK

ЧОРВАЧИЛИК	ҚУЕНЧИЛИК	ПАРРАНДАЧИЛИК	УЗУМЧИЛИК
САБЗАВОТЧИЛИК	БОҒДОРЧИЛИК	ИХЧАМ ИССИҚХОНА	АСАЛАРИЧИЛИК
ҚАНОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ	МИЛЛИЙ ШИРИНЛИКЛАР	БАЛИҚЧИЛИК	ХўНАРМАНДИЧИЛИК
МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	АВТОМОБИЛЛАРНИ ЮВИШ ШАҲОБАЧЛАРИ	АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТЛАР	ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ
ТИКУВЧИЛИК	ПОЯБЗАЛ ТУЗАТИШ	САРТАРОШХОНА ВА ГУЗАЛЛИК САЛОНИ	КИМЕВИЙ ТОЗАЛАШ ХИЗМАТИ

(+99871) 120 13 51, 120 26 37, 120 26 40

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

«АСАКА» БАНК – ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон

Журналистлари

ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва

ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4860 Буюртма — S-8356

Бош муҳаррир

Ўқтам МИРЗАЁРОВ

Техриратта келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88

Тел-факс: (0-371) 244-32-80

Реклама ва маркетинг

бўлими: (0-371) 244-32-91

Самарқанд: (0-366) 233-62-12

Тошпириш вақти — 20⁰⁰ Тошпирилди — 20⁰⁰

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон

Журналистлари

ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва

ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4860 Буюртма — S-8356

Бош муҳаррир

Ўқтам МИРЗАЁРОВ

Техриратта келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88

Тел-факс: (0-371) 244-32-80

Реклама ва маркетинг

бўлими: (0-371) 244-32-91

Самарқанд: (0-366) 233-62-12

Тошпириш вақти — 20⁰⁰ Тошпирилди — 20⁰⁰

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон

Журналистлари

ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва

ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4860 Буюртма — S-8356

Бош муҳаррир

Ўқтам МИРЗАЁРОВ

Техриратта келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88

Тел-факс: (0-371) 244-32-80

Реклама ва маркетинг

бўлими: (0-371) 244-32-91

Самарқанд: (0-366) 233-62-12

Тошпириш вақти — 20⁰⁰ Тошпирилди — 20⁰⁰

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон

Журналистлари

ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон